

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқи

УДК: 336.221(575.1.2)

УРАЗБАЕВА ИЛМИРА КОНЫСБАЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ
УСТИВОР ЙўНАЛИШЛАРИ**

5А340601 «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц.

А.С.Рахимов

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
1 БОБ	ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1.	Солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари	8
1.2.	Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари	24
	I боб бўйича хулосалар	33
2 БОБ	СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ТАҲЛИЛИ	35
2.1.	Бевосита солиқлардан шаклланадиган давлат бюджети даромадларининг иқтисодий таҳлили.....	35
2.2.	Билвосита солиқлар таркиби ва давлат бюджети даромадлари шаклланишида уларнинг улуши.....	44
	II боб бўйича хулосалар	54
3 БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	56
3.1.	Ривожланган давлатларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш тажрибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари....	56
3.2.	Республикамызда солиқ юкини камайтириш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.....	72
	III боб бўйича хулосалар	82
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	84
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	89

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар мажмуини амалга ошириш ҳисобланади.

Солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи бўлганлиги боис, уларни белгиланган муддатларда ундирилиши ва бюджетга келиб тушишидаги муаммоларни аниқлаш, ўз вақтида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Солиққа тортишнинг моҳияти, мақсади, ставкалари ва базасининг ҳолати солиқ тизими шаклланишининг ҳар бир давлат учун хос бўлган муайян даврда бажариладиган вазифаларга асосланади. Зеро, солиқ тизимида жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий манфаатлари тўпланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: "Солиқ тизими нафакат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим". Хусусан, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хўжалик субъектлари томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш за аҳоли даромадларининг ўсиши, меҳнат ресурслари сифатининг яхшиланиб бориши устун даражада солиқ тизимининг рағбатлантирувчи хусусиятлари шаклланишига боғлиқ бўлади.

Жамият ривожланиб боргани сари барча соҳаларда бўлгани каби солиқ ва солиққа тартиш тизимида ҳам ўзига хос ўзгаришларни, такомиллаштиришни талаб этади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш бозор иқтисодиёти шароитида давлат дастаклари ичида биринчи даражали аҳамият касб этади ва бошқарувнинг турли даражаларида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда асосий тартибга солувчи восита бўлиб майдонга чиқади.

Солиқларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошиб бориши билан давлат бюджети даромад базасини қай тарзда ва қай даражада шаклланишига боғлиқдир. Солиқ бозор конъюктурасини бошқаришга ўзига хос восита ҳисобланади. Солиқ воситалари орқали иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва керак бўлса уларни инқироз ҳолатига тушиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Шу боис молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий – иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ муносабатлари муҳим рол ўйнайди. Солиқ сиёсатини оқилона юритиш нафақат макро иқтисодий барқарорликни таъминлашга, балки мукамал бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиш мумкин бўлади. Ривожланган давлатлар солиқ тизимини тадқиқ этган ҳолда мамлакатимиз солиқ тимини ислоҳ қилишнинг замонавий йўллари аналдаги солиқ қонунчилигини таҳлил қилиб, уни янада соддалаштириш, турдош солиқларни унификация қилиш, солиқ, юқини камайитириш, бевосита ва билвосита солиққа тортишни оптималлаштириш, солиққа тортишнинг самарали тартибларини амалиётга татбиқ этиш масалалари бугунги куннинг долзарб вазибаларидан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Хўжалик фаолиятини ривожлантиришга солиқ сиёсатининг таъсири муаммолари тўғрисида кўплаб хорижий иқтисодчи-олимларнинг фикрлари мавжуд бўлиб, ушбу масала бўйича И.В.Горский, А.Лаффер, Б.А.Рагозин, М.Кемпбелл, В.Г.Князев, Д.Г.Черник, В.М.Радионобаларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Ш.Гатауллин, И.Завалишина, В.Беганов, М.И. Алимардонов, А.Ш. Бекмуратов, А.В. Ваҳобов, Э.Ф. Гадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, М.Ш.Шарифходжаев, Т.С.Маликов, Қ.А.Яҳеев, О.О.Олимжонов, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Ш.А.Тошматов ушбу муаммони тадқиқ этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Шундай бўлишига қарамасдан, солиқ сиёсати, уни бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли масаласи юқоридаги иқтисодчи-

олимларнинг илмий изланишларида махсус мустақил тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Ушбу соҳада қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар давлат бюджети даромадларининг тўлиқлигини таъминлашга ва мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, улранинг вужудга келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловларнинг итисодий моҳияти ва назарий асослари назарий жиҳатдан очиқ берилади;
- Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари назарий тадқиқ этилади;
- Бевосита солиқлардан шаклланадиган давлат бюджети даромадларининг иқтисодий таҳлил этилади;
- Билвосита солиқлар таркиби ва давлат бюджети даромадлари шаклланишида уларнинг улушииқтисодий тилили олиб борилади;
- Ривожланган давлатларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш тажрибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари тадқиқ этилади;
- Республикамизда солиқ юкини камайтириш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқот объекти. Республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсати тадқиқотнинг объектини ташкил қилади.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистонда солиқ сиёсатида доирасида олиб боилаётган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тадқиқот предмети

ҳисобланади.

Диссертация бажарилиши натижасида кутиладиган илмий янгиликлар. Ўзбекистонда амалга оширилиб келинаётган солиқ сиёсати, уни амалдаги солиқлар тизими ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишла чиқилганлиги билан белгиланади. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловларнинг итисодий моҳияти ва назарий асослари назарий жиҳатдан очиқ берилди;
- Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари назарий тадқиқ этилди;
- бевосита солиқлардан шаклланадиган давлат бюджети даромадларининг иқтисодий таҳлил этилди;
- билвосита солиқлар таркиби ва давлат бюджети даромадлари шаклланишида уларнинг улуши иқтисодий таҳлили олиб борилди;
- ривожланган давлатларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш тажрибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари тадқиқ этилди;
- республикаимизда солиқ юкини камайтириш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг хулоса ва тавсиялари Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ислохотларни янада чуқурлаштириш, самарадорлигини ошириш, солиқ юкини енгиллаштириш механизмини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот ишида келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида солиқ механизмининг истиқболга мўлжалланган режаларини тузишда, ушбу мақсадларда илмий-тадқиқот ишларини янада давом эттиришда, хўжалик субъектларининг Давлат бюджети билан бўладиган молиявий ҳамкорлигини ўрганиш ва улар ўртасида юзага келадиган муносабатларни такомиллаштиришда, услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилишида қўллаш

мумкин. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Макроиқтисодиёт”, “Молия ва солиқлар” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида абстракт-мантикий, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил усуллари кенг фойдаланилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат бўлиб, ўз ичига 12 та жадвал ва 7 та расмни олган ҳолда жами 93 бетда баён этилган.

1.БОБ. ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва уни фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлатни иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқеълик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу объективлиқдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, бўлар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор

иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фаркни бюджет ҳисобидан қоплайди ва ундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланганларга моддий ёрдамлар кўрсатади.

Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб қўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджетдаромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив

омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиётлар жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиққонунчилигига асос бўлган солиқ тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келинган. Давлат тузилиш шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келинган. Масалан, Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айтиш

хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди¹.

«Солиқлар, – деб ёзади Д.Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».² Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

С.Г.Пепеляев «Солиқ – оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, якка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характериға эға бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир»³ - деб, таъкидлаган.

Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинadиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».⁴

Ш.Гатаулин «. . .солиқлар ўзи нима ва улар нимаға керак», деган саволға қўйидагича жавоб беради: «Солиқлар – бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибға солувчи ва даромадларни

¹ А.Жўраев “Солиқ назарияси” Т-2010

² Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.

³ Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет

⁴ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

барқарорлаштирувчи воситадир⁵. Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим курул ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади? деган саволларга жавоб бера олмайди.

Айрим иқтисодчилар солиқларни миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида изоҳлашга ҳаракат қилганлар, - “Солиқлар - миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисmini давлат ихтиёрига олиш шаклидир”⁶.

О.Олимжоновнинг фикрига кўра: «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинadиган тўловлардир»⁷. Солиқларга берилган мана шу таъриф энг мақбўл таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини, солиқларнинг ҳаракат жараёнини назарий жиҳатдан чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Бугунги кунда солиқ категориясини ҳар томонлама, кенгроқ ва батафсилроқ, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, солиқларни назарий жиҳатларини аниқроқ ва тўлиқроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси фанда мавжуддир.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар

⁵ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 18 -бет.

⁶ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. 377-бет

⁷ Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита куроли ҳисобланади.

Солиқни тўлаш ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, рақобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфраструктурасини барпо қилишга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий характерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб

чиқади. Ҳар бир иқтисодий категориянинг ўз функцияси мавжуд. Солиқ мустақил категория сифатида ўзи бажарадиган функцияларга эга бўлиб, бу функциялар солиқ категориясининг амалдаги ҳаракатини ифодалайди. Функция деганда, одатда, категориянинг кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатларини тушуниш лозим.

Солиқларнинг функциялари тўғрисида фанда турли хил қарашлар мавжуд. Собик иттифоқ даврида солиқлар икки хил функцияни бажаради, деган қараш кенг тарқалган эди. Бу икки функция сифатида фискал ва назорат функциялари тан олинади. Энг асосий функция бу солиқларнинг фискал функциясидир, чунки бу функциясиз назорат функциясининг мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб қараларди.

Ғарб иқтисодчилари кўпчилигининг назариялари англиялик иқтисодчи Ж.М.Кейнснинг концепциясига асосланади. Бу концепцияга кўра солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрод, Н.Кальдор, А.Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгартириш ва турли хил имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Солиқларнинг даромадларни бошқариш функциясини юзага келишига француз иқтисодчиси Э.Де.Жирарденнинг назарияси асос бўлган. Бу назарияга кўра солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкӣ тенгсизликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига

кўра давлат солиқлардан ва трансфер тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди. Бу назариялар солиқларнинг даромадларни тартибга солиш функцияси мавжуд деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлди.

И.Мальмигиннинг фикрига кўра солиқлар уч функцияни бажаради, яъни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияларидир. Унинг фикрига кўра биринчи функция давлат даромадлари манбаларининг ташкил топиши билан боғлиқ, иккинчиси ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини тақсимлашни назарда тутди. Рағбатлантириш функцияси турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йўли билан амалга оширилади⁸. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарб иқтисодий адабиётларидаги даромадларни бошқариш функцияси И. Мальмигинда тақсимлаш функцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Демак, функция категорияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида ҳозирга қадар олимлар ўртасида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: солиқнинг фискал функцияси, тартибга солиш функцияси, рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

Солиқларнинг асосий функцияси – фискал функция ҳисобланиб (лотинча *fiscus* сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг

⁸ Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69

молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат бошқарувини, мамлакат муҳофафасини, умуман ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантири – солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан фискал функциянинг аҳамияти ошиб боради. Ишлаб чиқариш ижтимоий тусдалигининг чуқурлашиши фан-техника тараққиётининг ривожланиш муносабати билан асосан солиқлар ҳисобига шакллантириладиган молиявий ресурслар оқимини кўпайтиришнинг реал зарурати юзага келади. Давлат иқтисодий ва ижтимоий тадбирларга кўпроқ эътибор берган сари молиявий ресурсларни кўпроқ сарфлайди, лекин солиқ тизими ўзининг фискал функцияси вазифаларини бажариши жараёнида ишлаб чиқаришнинг ўсишига, жамғариш жараёнига ҳалал бермаслиги, ижтимоий адолатни бузмаслиги ҳамда иқтисодиётнинг умумий тузилмасида бузилишлар содир бўлишига йўл қўймаслиги, бозор жараёнига путур етказмаслиги керак.

Солиқларнинг ушбу функцияси орқали пайдо бўладиган пул ресурслари давлат бюджети орқали қайта тақсимланади, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадларни бир қисми қайта тақсимланади.

Тартибга солиш функцияси. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги *тартибга солиш* роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий

шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ муҳити»ни яратади. Ушбу функция орқали давлат солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа кўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор муносабатлари шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари йўқ бўлиб кетади ёки жуда оз ҳолда қолади, корхоналар фаолиятини фармойишлар, кўрсатмалар ва буйруқлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган «юқори ташкилот» тушунчасининг ўзи аста-секин кучсизланиб боради. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун мақбул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.

Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камаййтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат иқтисодиёт тараққиётини таъминлайди, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш йўли билан солиқ юкини оширмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

Назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо

тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси. Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқли тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарурдир. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

Солиқ функцияларини қисқача кўриб чиқилиши солиқлар молия ресурсларини тиклаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради деб хулоса чиқариши учун имкон беради.

Солиқларнинг иқтисодиётдаги юқорида таъкидланган муҳим ўрнини белгиловчи бир қанча функциялари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида солиқларнинг ўрнини белгиловчи қуйидаги асосий омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурлиги. Маълумки, республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва давлат қурилишини амалга ошириш мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган беш асосий тамойилга асосланади. Бу қоидалардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли, айниқса, унинг кам таъминланган қатламлари етарли даражада ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак.

- Аграр сектордаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш зарурлиги омили. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг асосий тармоқ аграр сектор ҳисобланади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин

тикланаётган Япония иқтисодиёти учун машинасозлик етакчи тармоқ сифатида ривожлантирилган эди. Бу тармоқ Япония иқтисодиётини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Бу, энг аввало, унинг мамлакатга чет эл валюта тушумларини олиб келишда намоён бўлди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ана шундай асосий тармоқ вазифасини ўтамоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, қишлоқ хўжалигида солиқ, кредит воситалари ёрдамида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун умумий белгиланган тартибдаги солиқ ва йиғимлар ўрнига бюджетга 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона ер солиғини тўлаш тартиби жорий қилинди.

■ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида солиқларнинг ўрнини белгиловчи асосий омиллардан яна бири - ҳозирги кунда кўпайиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг даромадларини жалб қилувчи мукаммал солиқ тўловини юзага келтириш.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенг қулоқ ёйиши ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, тадбиркорлар даромадини ҳисобга олишни қийинлаштиради. Хусусийлаштирилган битта корхона ўрнида ўнлаб кичик, хусусий ва жамоа мулкига асосланган корхоналар пайдо бўлади. Мукаммал солиқ механизми яратилмаганлиги учун даромадлар суммасини аниқлашда жиддий хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарорига мувофиқ кичик корхоналар учун умумий белгиланган тартибдаги солиқлар ўрнига бюджетга ихчамлаштирилган

солиқтўлаш имконияти вужудга келди. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда ихчамлаштирилган солиқ тизимининг жорий қилиниши бу тадбиркорлар учун давлат томонидан кўрсатилган катта ёрдам бўлди.



1-расм. Республикамизнинг солиқ ва мажбурий тўловлар тизими

Солиқлар иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши босқичларида ушбу ривожланиш жараёнларини таъминлаш мақсадига бўйсунувчи вазифаларни бажаради. Солиқларнинг функциялари эса ана шу вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шундай экан солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги аниқ фарқли жиҳатларни ўрганиш ва солиқ муносабатларини ташкил этиш мобайнида бу чегараларни асослашни қайд этиб ўтиш лозим.

Солиқлар бажарадиган вазифалар кўпчилик мамлакатларнинг солиққонунчилигида умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий солиқ вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб бериш. Солиқларнинг фискал функцияси ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадларига хизмат қилади. Бу вазифани ҳал қилиш давлатнинг иқтисодиётга қай даражада аралашувига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, солиқларнинг фискал функцияси шунчалик фаол бўлади. Аммо солиқларнинг ушбу вазифаси фақат иқтисодий жараёнларни қамраб олмайди, балки давлатнинг ноишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши ҳам давлатнинг ортиқча молиявий ресурсларга муҳтожлигини келтириб чиқаради.

Мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратишга кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг ушбу вазифасини бажариши ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий хусусиятларидан бири шундаки, ҳозирги кунда сармояларнинг асосий қисми савдо ва хизматлар соҳасига йўналтирилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бунинг асосий сабаби фойда нормасининг бу соҳаларда катталигидир. Солиқлар сармояларни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига йўналтиришнинг қудратли воситаси бўлиши керак.

Аҳолининг меҳнат фаоллигини рағбатлантириш. Солиқлар деярли барча мамлакатларда ушбу вазифани бажаради. Чунки улар аҳоли даромадларини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Даромадлардан

олинадиган солиқ ставкаларининг энг юқори чегарасини сезиларли даражада пасайтириш ишчи кучининг таклифи билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиши мумкин. 70-80 йилларда Швецияда солиқ ставкаларининг аҳоли даромадларига прогрессив равишда қўллаш малакали ишчиларнинг бошқа мамлакатлар томон миграциясига олиб келган.



2-расм. Ўзбекистонда солиқлар ва йиғимларнинг бюджет тизимида тақсимланиши⁹

⁹Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси асосида тузилди

Ўзбекистонда солиқлар ва йиғимларнинг бюджет тизимида тасимланишига аҳамият берсак умумдават солиқлар ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлиш мумкин.

Умумдават солиқларга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар киради.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга эса мол мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспор воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлардан иборат¹⁰.

Демак солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат бўлиши билан бирга ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлайди, шу тарзда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартиришда модернизациялашда, аҳолини ижтимоий химоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов шундай дейди “Солиқ тизимининг энг муҳум вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тўпланган мол мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир”¹¹.

Солиқларнинг бюджетга ижобий таъсиридан ташқари, муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳасида ҳам улардан фаол фойдаланиш мумкин. Нарх-навонинг ислох қилиниши, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, меҳнат бозорининг ислох қилиниши янги пайдо бўлган тижорат структураларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани солиқ ставкаларини табақалаштириш йўли орқали ҳал этиш мумкин.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 23-модда. “Адолат” 2008 – Б.21-22

¹¹И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т: Ўзбекистон., 1998.-Б.359.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида даромадларни тақсимлашнинг самарадорлик ва адолат принциплари ўртасидаги мувофиқликка эришиш. Амалдаги солиқларга барқарорлик ва мосланувчан солиқ ставкаларининг хослиги солиқларнинг узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга замин яратади. Миллий ва хорижий инвесторлар капитал қўйилмаларини амалга оширар экан, улар ўзларининг солиқ мажбуриятларини аниқ билиши керак. Солиқ турлари ва ставкалари барқарор ва тез-тез ўзгармайдиган бўлиши керак. Солиққа тортиш тизимида мустаҳкам ишонч бўлмаган тақдирда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳаракати сусаяди.

Шундай қилиб, солиқларнинг вазифалари уларни амалга ошириш муддатига қараб, қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли вазифаларга бўлинади. Бу вазифалар мазмунига кўра бир-биридан фарққилади. Солиқлар нафақат давлат бюджетининг тушумларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга балки давлат даромадларини бюджетнинг ўрта муддатли режада ҳаётийлигини яхшилаш мақсадида мослашувчанлигини амалга оширишга ҳам хизмат қилиши мумкин.

1.2. Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари

Солиқ сиёсатининг самараси куп жиҳатдан уни ҳуқуқий базасининг мустаҳкамлиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам солиқ сиёсатига солиққонунчилиги орқали шакл берилади. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинadиган солиқлар тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва пигпмлар тўғрисида» ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини кенгайтишига, кучайтишига хизмат қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб бори. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»¹². Шунингдек республикаимиз ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир»¹³.

Бугунги кунда республикаимиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

¹²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992 и. 51-модда.

¹³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992 и. 132-модда.

- мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш;
- амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белғилаш;
- солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши, ўзининг мустақил солиқ тизимини шакллаштириш ҳам тақозо этарди. Шундан келиб чиқиб мустақилликнинг илк давридан эътиборан мустақил солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширила бошланди ва ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ ҳозирги пайтга келиб республикамизда бир қадар ўзига хос бўлган солиқ тизими шакллантирилди. Ўзига хос бўлган солиқ тизимининг шакллантирилишини солиқ сиёсатининг самараси сифатида эътироф этиш мумкин. Республикамиз давлатчилиқ шаклидан келиб чиқиб мамлакатимизда республика бюджетга даромадларини шакллантиришга қаратилган умумдавлат солиқлари ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга қаратилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади. Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши Ўзбекистан Республикаси Солиқ Кодекси билан мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ республикамиз солиқ тизимида амал қиладиган ҳар бир солиқ тури у ёки бу бюджетга тушиши катъий белгилаб қўйилган. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ айрим умумдавлат солиқлари маҳаллий бюджетларга тўлиқлигича бириктирилиши ёки улардан тушумлар республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши мумкин. Ушбу тизим бир неча йиллардан буён маҳаллий бюджетлар камомadini бартараф этиш мақсадида амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Шу ўринда юридик шахсларни солиққа тортишнинг муҳим тартибларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Республикамиз солиққонунчилигида ҳозирги вақтда солиққа тортишнинг умумбелгиланган тизими билан бир каторда, солиққа тортишнинг алоҳида тартиблари ҳам мавжуд. Бу тартиблар қуйидагилар учун кўзда тутилган:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (ялпи даромад солиғи ва мол-мулк солиғини тўлайдилар);
- соддалаштирилган солиққа тортиш тизимидан фойдаланаётган кичик тадбиркорлик субъектлари (ялпи тушумидан ёки ялпи даромадидан ягона солиқ тўлайдилар);
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (ягона ер солиғини тўлайдилар);
- лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказишга ихтисослашган юридик шахслар (ялпи даромад солиғини тўлайдилар);
- тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билангина шуғулланувчи юридик шахслар (бильярдхоналар, қисқа муддатли автомобиль сақлаш жойлари, болалар ўйин автоматлари қатъий солиқ тўлайдилар).

Юридик шахсларни солиққа тортиш тартибидаги ўзига хосликни мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусияти сифатида эътироф этиш лозим. Чунки республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлган соҳалар алоҳида тартиб бўйича солиққа тортилиб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусиятлари сифатида солиқ тўловчиларга нисбатан кўзда тутилган имтиёزلарни ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, экспорт фаолиятини рағбатлантиришга, хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган, аҳолининг ижтимоий шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолдаги имтиёزلарни уларнинг ифодаси сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида икки йўналиш: корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати ва аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун солиқ сиёсати каби йўналишларга бўлиб ўрганилади¹⁴.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналиши бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган қатор илмий асосланган солиқларни жорий этиш ва шу орқали мавжуд солиқ тизимини тубдан қайта ташкил этишдан иборат бўлди. Солиқ сиёсатининг кейинги йўналиши эса жорий этилган солиқларни-самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида солиқ муносабатларини амалга оширувчи тегшли муассасаларни ташкил этишга қаратилди. Хусусан, дастлаб Вазирлар Маҳкамаси қоишди Солиқ бош бошқармаси ташкил этилган бўлса, 1994 йилга қелиб бу бошқарма Давлат Солиқ Қўмитасига айлантирилди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Бундан кўринадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида солиқ сиссатида асосан ташкилий жиҳатларга эътибор қаратилди, яъни солиқларни жорий этиш ва солиқ сиссатини бсвосита амалга оширувчи тегшли муассасалар шакллантирилди.

Бу даврдаги солиқ сиёсатининг асосий хусусиятларидан бири солиқларнинг кўпроқ фискал аҳамият қасб этишида, яъни кўпроқ эътибор давлат бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилди.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишларида солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ юқини янада пасайтириш асосий меъзон бўлганлигини «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабўлқилинганлиги, шунингдек солиқҳисоботини тақдим этиш даврийлигини қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда унинг мазмуни яққол кўрсатиб

¹⁴Яҳёсв Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Ғафур Ғулом», 2000. и. 26- бет.

турибди.

Мазкур Қонун билан «Банкротлик тўғрисида»ги, «Бож таърифи тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 125-моддаси биринчи қисми корхона бутун банкротлик жараёни давомида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва бюджетга ундирилмаган тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилишини назарда тутувчи бешинчи хатбоши билан тўлдирилди.

Ушбу меъёр бир вақтнинг ўзида Солиқ кодексининг 50-моддасига ҳам киритилган, яъни юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималарни ҳисоблаш тўхтатиб турилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 50 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Солиқ кодексининг 61-моддасига киритилган ўзгартишлар солиқ тўловчининг солиққарзини унинг мол-мулкига қаратиш орқали ундириш учун солиққарзининг энг кам миқдорини белгилашни назарда тутди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1887–сонли қарори билан 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб Солиқ кодексига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар учун солиққарзлари ЭКИХнинг 20 бараваригача, жисмоний шахсларнинг солиққарзлари ЭКИХнинг 5 бараваригача бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан

ундириш учун мурожаат қилинмаслиги белгиланди.

Ушбу норманинг белгиланиши, бир томондан ҳозирда суд тартибида ундирилаётган унча катта бўлмаган солиққарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан давлат солиқ хизмати органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини қисқартиради.

Тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулайлик, яъни Солиқ кодексининг 123-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш ушбу орган томонидан шикоят бўйича қарор қабулқилингунга қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб турилиши белгиланди.

Ушбу норманинг киритилиши солиқ низоларини кўриб чиқишда солиқ тўловчилар учун қўшимча қафолатни таъминлайди ва судларда кўрилаётган солиқ низоларининг сонини камайтиришига, шунингдек, солиқ тўловчининг ишини судда кўриш билан боғлиқ харажатларини (давлат божини тўлаш, почта харажатлари ва бошқаларни) қисқартиришга имкон беради.

Якка тартибда тадбиркорлар учун ҳам қулайлик кўзда тутилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, бу тоифадаги тадбиркорлар учун солиқ солиш шкаласини даромадлар гуруҳлари бўйича энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши йил давомида тўланиши лозим бўлган солиқ миқдорини аниқ билишни ва хатоликларни олдини олишни таъминлайди.

Шунингдек, Президентимизнинг юқорида келтирилган қарорлари билан 2013 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг қуйи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизгача пасайтирилди. Бунда, солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг йил бошидаги миқдоридан келиб чиқиб қўлланилишини назарда тутувчи янги норма ҳам киритилди.

Энг асосийси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармонига биноан Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар юқори фойда солиғидан бошқа барча солиқ ва мажбурий тўловлар учун солиқ ҳисоботларини ойлик тақдим этишдан йил чорагида, юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ва мол-мулк солиқлари бўйича эса давлат солиқ хизмати органларига бир йилда бир марта тақдим этилиши жорий этилди.

Бундай нормаларнинг белгиланиши солиқ ҳисоботларини йирик корхоналар учун 2,3 марта, кичик корхона ва микрофирмалар учун 1,7 мартага қисқаришини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1887–сонли қарори билан 2013 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчи барча шахслар учун (чакана савдо корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблашда ягона база – улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солиғининг уч қарра миқдоридаги суммаси белгиланди.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида»ги 240–сонли қарорига мувофиқ шартномалар асосида ҳисобланган ягона солиқ тўловидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиб бериладиган суммаси 5 фоиз ўрнига 8 фоиз қилиб белгиланди.

2013 йилга белгиланган солиқ сиёсатидан келиб чиққан ҳолда Солиқ кодексининг 266-267-моддаларига киритилган ўзгартишлар юридик

шахсларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, уларнинг мол-мулкидан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объектидан ҳамда солиқ солиш базасидан номоддий активларни чиқарилишини назарда тутди.

Солиқ кодексининг 312 ва 316-моддаларига киритилган ўзгартиришлар эса Президентимизнинг 2012 йил 18 июндаги ПФ-4455-сонли Фармони билан белгиланган умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарни (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқҳисобланадиган фойдали қазилмаларни қазиб оловчи ва акциз тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар тоифасидан чиқарилишини назарда тутди.

Солиқ қонунчилигига киритилган бундай қулайлик ва имтиёзлар ўз самарасини бериши табиий. Айниқса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ нормалар тадбиркорлик субъектларига, уларнинг мустақил фаолият юритишларига янада кенг имкониятлар яратади.

I боб бўйича хулосалар

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва уни фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлатни иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқеълик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, бўлар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроққилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

С.Г.Пепеляев «Солиқ – оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, якка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характериға эға бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир» - деб, таъкидлаган.

Республикаимиз солиқ тизими умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқларға бўлинади. Умумдавлат солиқларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган

киймат солиғи, аксиз солиғи, ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлардан иборат.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга эса мол мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспор воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлардан иборат.

Солиқ сиёсатининг самараси куп жиҳатдан уни ҳуқуқий базасининг мустақамлиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам солиқ сиёсатиға солиқ конунчилиги оркали шакл берилади. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида» ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва пигпмлар тўғрисида» ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишиға олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини кенгайтишиға, кучайишиға хизмат қилди.

2 БОБ. СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Бевосита солиқлардан шаклланадиган давлат бюджети даромадларининг иқтисодий таҳлили

Олдинги параграфда таъкидланганидек, солиқларни турлари бўйича таснифлаш солиқ тизмининг мураккаблиги ва солиққа тартишнинг янги усулларининг пайдо бўлиши солиқларни таснифлашга асос яратади. Солиқларни турлари бўйича таснифлашга бир неча белгилар асос қилиб олинган ва асосий тасниф гуруҳлари қабул қилинган, хусусан бевосита солиқлар ва билвосита солиқлардир.

Маълумки бевосита солиқлар тўғридан тўғри даромад, фойдадан олинади ва солиқ тўловчи асосан даромад, фойда олувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

Бевосита солиқлар тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Бевосита солиқларга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирма ва кичик кархоналар учун соддалаштирилган ягона солиқ тўлови ва бошқа солиқ турлари ҳам киради.

Бевосита солиқнинг объекти бўлиб солиқ тўловчи юридик ёки жисмоний шахснинг фойдаси ҳисобланади. Бевосита солиқлар тўғридан тўғри даромаддан олинганлиги боис солиқ ставкасининг ўзгариши кархоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.

Бевосита солиқлар давлат бюджети жами даромадларининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этади ва давлат бюджети даромадларида ўзига хос муайян салмоққа эга.

Магистрлик диссертациясининг ушбу параграфида мазкур солиқ турининг давлат бюджетига тўланиш тартиби, давлат даромадлари

таркибидаги салмоғи ва тутган ўрнини таҳлил қилиб мавжуд муаммоларни аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Бевосита солиқларнинг давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 – 2014 йиллар оралиғида қуйидагича динамикага эга бўлганини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Бевосита солиқларнинг давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улуши таҳлил¹⁵

млрд.сўм					
т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан, % да
		2012	2013	2014	
Жами давлат бюджети даромадлари		21295,7	26232,0	31729,6	149,00
Бевосита солиқлар жами		5 414,2	6 353,7	7433,1	137,29
Шу жумладан					
1	Юридик шахслар даромадига солиқ	1 001,1	1 038,8	1120,2	111,90
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	645,9	832,6	954,4	147,76
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	588,2	755,0	967,9	164,55
4	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	2 301,8	2717,3	3261,7	141,70
5	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	317,3	415,6	553,1	174,31
6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	559,9	594,4	575,7	102,82
Жами давлат бюджети даромадларида бевосита солиқларнинг улуши, % да		25,42	24,22	23,43	92,14

Жумладан, 2012 йилда жами давлат бюджети даромадлари 21295,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 26232,0 млрд. сўм ва 2014 йилга келиб 31729,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки ўрганилган йиллар оралиғида 49 %

¹⁵Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ўсиш суратига эга. Йиллар кесимда инфляциянинг(йиллик ўртача 7 %) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашадиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда ўртача 35 % га ошганлигини кўриш мумкин бўлади.

Юридик шахслар даромадига солиқ 2012 йилда 1001,1 млрд.сўмни ва 2014 йилда 1120,2 млрд.сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 11,9 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида ўзгаришсиз қолганини кўриш мумкин.

Бевосита солиқлар орасида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 2012-2014 йиллар оралиғида камайиб бораётганлигини юқоридаги таъкидланганидек инфляция шароитида ёққол кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор туфайли бугунги кунда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бўйича ўсишнинг мавжудлигини жадвал маълумотлари орқали таҳлил этиш мумкин. Жумладан кўрсаткичлар мос равишда 47,7 % , 64,5 % ва 74,3 % га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бевосита солиқ турларининг жами бевосита солиқлардаги улушини таҳлил этадиган бўлсак, юридик шахслар даромадига солиқ тури 2012 – 2014 йиллар оралиғида камайиб борганлигини яъни 2012 йилда жами бевосита солиқлар ҳажмида 18,49 % ни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб 15,07 % га тушганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2014 йил ҳолатига кўра бевосита солиқлар орасида энг катта улушга эга бўлган солиқ тури бу жисмоний шахслар даромадига солиғидир. Бу солиқ тури 2012 йилда жами бевосита солиқлар орасида 42,5 % ни ташкил этган бўлса 2014 йилда 43,88 % ни ташкил этган.

**Бевосита солиқ турларининг жами бевосита солиқлар ҳажмидаги
улуши, % да**

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2012	2013	2014
	Бевосита солиқлар жами	100	100	100
1	Юридик шахслар даромадига солиқ	18,49	16,35	15,07
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	11,93	13,10	12,84
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	10,86	11,88	13,02
4	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	42,51	42,77	43,88
5	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	5,86	6,54	7,44
6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	10,34	9,36	7,75

Ривожланган давлатлар солиқ тизimini ва солиқ назариясини ўрганган ҳолда айтиш мумкинки, бевосита солиқларнинг ҳажмининг инсон психологиясига таъсири кўчли бўлиб, унинг даражаси ошкора пасайиши, табақалаштириш ёки имтиёзларнинг бериб борилиши иқтисодиётнинг ривожланишига, солиқ интизомини вужудга келтиришда асосий омил санадали. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз шароитида солиқ тизimini ислоҳ қилиш жараёнида солиқ тўловчиларнинг ижтимоий психологик жихатларини ҳам инобатга олган ҳолда ташкил этилмоқда.

Бевосита солиқ турларининг жами давлат даромаларидаги улушини таҳлил этадиган бўлсак, жисмоний шахслар даромадига солиғи 10,28 % ни ташкил этмоқда ва бу давлат бюджети шаклланишида асосий солиқ тури бўлиб қолмоқда (3-жадвал).

**Бевосита солиқ турларининг жами давлат бюджети даромадлари
ҳажмидаги салмоғи, % да**

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2012	2013	2014
Жами давлат бюджети даромадлари		100	100	100
1	Юридик шахслар даромадига солиқ	4,70	3,96	3,53
2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	3,03	3,17	3,01
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	2,76	2,88	3,05
4	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	10,81	10,36	10,28
5	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	1,49	1,58	1,74
6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	2,63	2,27	1,81

Давлат бюджети даромадлари шаклланишида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар 2012 йилда 3,03 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 3,17 % ни ва 2014 йилда 3,01 % ни ташкил этган.

Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар эса 2012 йилда 2,76 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 2,88 % ни ва 2014 йилда 3,05 % ни ташкил этган.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиғи эса давлат бюджети шаклланишида 2012 йилда 1,49 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1,58 % ни ва 2014 йилда 1,74 % ни ташкил этган.

Юқорида таъкидланганидек давлат бюджети шаклланишида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи миқдори, солиқ тўловчилар сони ва

уларнинг солиққа тортиш объектига кўра хажмини таҳлил этиш натижасида куйидаги динамикани кузатиш мумкин (4-жадвал).


Жумладан, 2010 йил ҳолатига кўра даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони 4475,5 минг нафарни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб 6218,2 минг нафарга етган ёки 38,94 % га ўсган. Улардан ундирилган даромад солиғи суммаси эса 2010 йилдаги 1594 млрд.сўм ўрнига 2014 йилда 3262,3 млрд.сўмни ташкил этган ёки йиллар оралиғида 2 бараварга ошган.

4-жадвал

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасидаги ишларнинг иқтисодий таҳлили

№	Кўрсаткичлар		Йиллар					2014 йилда 2010 йилга нисбатан, % да
			2010	2011	2012	2013	2014	
1	Даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва ундирилган даромад солиғи суммаси	минг нафар	4475,5	4830,6	4845,1	5607,8	6218,2	138,94
		Суммаси (млрд.сўм)	1594	1918,6	2301,8	2717,2	3262,3	204,66
2	Фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва қатъий белгиланган даромад солиғи суммаси	минг нафар	123,9	117,6	136,8	158,8	161,3	130,19
		Суммаси (млрд.сўм)	168,1	225,1	317,3	415,6	553,1	329,03
3	Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва мол-мулк солиғи суммаси	минг нафар	4901	4932,4	4793,6	4920,4	5038,3	102,80
		Суммаси (млрд.сўм)	77,7	125,4	187,6	252,2	278,8	358,82
4	Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва ер солиғи суммаси	минг нафар	4314,6	4319,9	4110,3	4266,1	4371,5	101,32
		Суммаси (млрд.сўм)	87,1	120,2	174,6	240,8	267,1	306,66

Фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва қатъий белгиланган даромад солиғи суммасига эътибор берсак, 2010 йилда якка тартибдаги тадбиркорлар сони 123,9 минг нафарни ташкил этган бўлса 2012 йилда 136,8 минг нафар ва 2014 йилда 161,3 минг нафарни ташкил этган.




3-расм. Даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва ундирилган даромад солиғи суммаси

Улардан ундирилган даромад солиғи эса 2010 йилда 168,1 млрд.сўмни ва 2014 йилда 553,1 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 3,2 баробарга ошган.

Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва мол-мулк солиғи суммаси таҳлили эса қуйидагича яъни, 2010 йилда мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони 4901 минг нафарни ташкил этган бўлса 2012 йилда 4793,6 минг нафар ва 2014 йилда 5038,3 минг нафарни ташкил этган. Улардан ундирилган даромад солиғи эса 2010 йилда 77,7млрд.сўмни ва 2014 йилда 278,8 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўртача 3,5 баробарга ошган.

Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва ер солиғи суммаси таҳлили шуни кўрсатадики, 2010 йилда мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний

шахслар сони 4314,6 минг нафарни ташкил этган бўлса 2012 йилда 4110,3 минг нафар ва 2014 йилда 4371,5 минг нафарни ташкил этган. Улардан ундирилган даромад солиғи эса 2010 йилда 87,1млрд.сўмни ва 2014 йилда 267,1 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўртача 3 баробарга ошган.



4-расм. Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ва ер солиғи суммаси

Маълумки, солиқ интизомига амал қилиш, даромадларни тўғри тақсимлаш, солиқларнинг табақаланиш механизмини амалий аҳамиятини ошириш мақсадида ҳар йили 1 апрелига қадар ўтган йилда олинган даромадларнинг декларацияси топширилиши тартиби жорий қилинган.

Ушбу жараёнларнинг натижасини иқтисодий таҳлил этадиган бўлсак жисмоний шахслар томонидан қўшимча даромадларни ҳисоблаш ва уларга қўшимча солиқ суммасини белгилаш (ёки солиқ чегирмаларини жорий этиш) ҳолати қуйидагича (5-жадвал).

2010 йилда тақдим этилган декларациялар сони 122,5 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 152,1 минг нафарни ва 2014 йилда 304,9 минг нафарни ташкил этган ёки 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 2,5 деярли барабар ортган.

5-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг декларациялар натижасида қайта ҳисоблаш ҳолати таҳлили

Кўрсаткичлар	Йиллар					2014 йилда 2010 йилга нисбатан, % да
	2010	2011	2012	2013	2014	
Тақдим этилган декларациялар сони (минг нафар)	122,5	138,4	152,1	262,3	304,9	248,90
Декларация асосида қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси (млрд. сўм)	10,7	12,4	15,7	20,2	33,1	309,3
Декларация асосида ундирилган тушумлар суммаси (млрд.сўм)	10,6	12,2	14,9	20,4	38,4	305,6

Декларация асосида қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси эса 2010 йилда 10,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 15,7 млрд. сўм ва 2014 йилда 33,1 млрд. сўм солиқ суммаси ҳисобланган ёки бу кўрсаткич 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 3,09 барабар ортган.

Декларация асосида ундирилган тушумлар суммаси таҳлилга кўра 2010 йилда 10,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 14,9 млрд. сўм ва 2014 йилда 38,4 млрд. сўм солиқ суммаси ҳисобланган ёки бу кўрсаткич 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 3,05 барабар ортган.

2.1. Билвосита солиқлардан шаклланадиган давлат бюджети даромадларининг иқтисодий таҳлили

Билвосита солиқ солиш давлат амалдаги янги қийматни тақсимлаш иштирокчисига айланиб, товар ёки хизматларни сотиш пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига бўлган ўз ҳуқуқларини эълон қилади. Бевосита солиқлардан фарқли равишда, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол мулки билан боғланмайди, балки уларга шахсий истеъмол товарлари, шунингдек аҳолига кўрсатилган турли хизматлар бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Бу солиқларнинг ижобий томони шундаки, республикада ишлаб чиқарилган товарларнинг четга чиқиб кетишини чегаралаш имконини беради. Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб бориши билан бирга аҳоли реал даромадларини пасайтириши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда билвосита солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони кўпаймоқда. Билвосита солиқлар кўпинча товар ёки хизматлар нархига киритилиб улар солиқ тўловчиларининг даромади ва иқтисодий аҳволини ҳисобга олмайди. Барча солиқ тўловчилар ўз даромадлари миқдоридан қатъий назар ҳақиқатда билвосита солиқларни тўлайдилар, чунки билвосита солиқлар солинадиган ҳаётий зарур товарларни истеъмол қиладилар ва турли хил хизматлардан фойдаланадилар.

Билвосита солиқлар давлат бюджетининг барқарор даромадлари бўлиб, бугунги кунда давлат даромадларини шакиллантирадиган асосий солиқлардан ҳисобланади. Солиқ амалиётидан маълумки, бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда билвосита солиқларнинг фискаллик хусусияти устивор бўлмоқда. Ривожланган давлатлар солиқ тизимини кузатсак давлат даромадларида билвосита солиқлар салмоғи паст бўлиб, ривожланаётган давлатларда эса билвосита солиқлар давлат бюджетининг даромадларида асосий ўринни эгаллайди.

Билвосита солиқларнинг давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 – 2014 йиллар оралиғида қуйидагича динамикага эга бўлганини кўришимиз мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Билвосита солиқларнинг давлат бюджетининг даромадлар қисмидаги улуши таҳлил

млрд.сўм					
т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан, % да
		2012	2013	2014	
Жами давлат бюджети даромадлари		21295,7	26232,0	31729,6	149,00
Билвоситасолиқлар жами		10434,5	13398,6	16851,8	137,29
Шу жумладан					
1	Қўшилган қиймат солиғи	5966,6	7552,5	9475,6	158,81
2	Аксиз солиғи	3175,9	4168,3	4941,1	155,58
3	Божхона солиғи	759,7	1007,4	1350,0	177,70
4	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	532,4	670,5	1085,1	203,81
Жами давлат бюджети даромадларида билвосита солиқларнинг улуши, % да		49,00	51,08	53,11	108,39

Қўшилган қиймат солиғи 2012 йилда 5966,6 млрд.сўмни ва 2014 йилда 9475,6 млрд.сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 58,8 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида 45 % ўсганини кўриш мумкин.

Билвосита солиқлар орасида аксиз солиғи 2012-2014 йиллар орлиғида ўртача 55,5 ўсиш суръатига эга бўлиб, 2012 йилда 3175,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда 4941,1 млрд. сўмни ташкил этган.

Божхона солиғи эса 2012 йилда 759,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1007,4 млрд. сўмни ва 2014 йилда 1350,0 млрд сўмни ташкил этган ёки йиллар оралиғида 77 % ўсган.

Билвосита солиқ турларининг жами билвосита солиқлардаги улушини таҳлил этадиган бўлсак, қўшилган қиймат солиғи 2012–2014 йиллар оралиғида камайиб борганлигини яъни 2012 йилда жами билвосита солиқлар ҳажмида 57,18 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 56,23 % га тушганлигини кўришимиз мумкин (7-жадвал).

2014 йил ҳолатига кўра билвосита солиқлар орасида энг кам улушга эга бўлган солиқ тури бу божхона солиғидир. Бу солиқ тури 2012 йилда жами билвосита солиқлар орасида 7,28 % ни ташкил этган бўлса 2014 йилда 8,01 % ни ташкил этган.

7-жадвал

Билвосита солиқ турларининг жами билвосита солиқлар ҳажмидаги улуши, % да

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2012	2013	2014
	Билвоситасолиқлар жами	100	100	100
1	Қўшилган қиймат солиғи	57,18	56,37	56,23
2	Аксиз солиғи	30,44	31,11	29,32
3	Божхона солиғи	7,28	7,52	8,01
4	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	5,10	5,00	6,44

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ эса 2012 йилда 5,10 % дан 2013 йилда 5,0 % га тушган бўлса 2014 йилда 6,44 % га кўтарилган.

Билвосита солиқ турларининг жами давлат даромаларидаги улушини таҳлил этадиган бўлсак, қўшилган қиймат солиғи 2014 йил ҳолтига кўра

29,86 % ни ташкил этмоқда ва бу давлат бюджети шакилланишида асосий солиқ тури бўлиб қолмоқда (8-жадвал).

8-жадвал

Билвосита солиқ турларининг жами давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи, % да

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2012	2013	2014
Жами давлат бюджети даромадлари		100	100	100
1	Қўшилган қиймат солиғи	28,02	28,79	29,86
2	Аксиз солиғи	14,91	15,89	15,57
3	Божхона солиғи	3,57	3,84	4,25
4	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	2,50	2,56	3,42

Давлат бюджети даромадлари шакилланишида аксиз солиғи ҳам аҳамиятли бўлиб 2012 йилда 14,91 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 15,89 % ни ва 2014 йилда 15,57 % ни ташкил этган.

Божхона солиғи эса жами давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги 2012 йилда 3,57 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 3,84 % ни ва 2014 йилда 4,25 % ни ташкил этган.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ эса давлат бюджети шакилланишида 2012 йилда 2,5 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 2,56 % ни ва 2014 йилда 3,42 % ни ташкил этган.

Ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги улуши динамикасини таҳлил этсак, мулк солиғи 2012 йилда 736,1 млрд.сўмни ва 2014 йилда 1273,8 млрд.сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 73,05 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида 60 % ўсганлигини кўриш мумкин.

Ресурс ва мол мулк солиқ турлари орасида ер солиғи 2012-2014 йиллар орлиғида ўртача 33,1 % ўсиш суръатига эга бўлиб, 2012 йилда 486,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда 647,5 млрд. сўмни ташкил этган (9-жадвал).

9-жадвал

Ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи ўзгариши, млрд. сўмда

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2014 йил 2012 йилга нисбатан, % да
		2012	2013	2014	
	Жами давлат бюджети даромадлари	21295,7	26232,0	31729,6	149,00
	Ресурс ва мол мулк солиқлари жами	3312,5	3 888,2	4 311,6	130,2
Шу жумладан					
1	Мулк солиғи	736,1	1 011,6	1 273,8	173,05
2	Ер солиғи	486,3	583,4	647,5	133,15
3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2016,3	2 190,9	2 275,6	112,86
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	73,9	102,4	114,7	155,21
	Жами давлат бюджети даромадларида Ресурс ва мол мулк солиқларининг улуши, % да	15,55	14,82	13,59	87,36

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тури эса 2012 йилда 2016,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 2190,9 млрд. сўмни ва 2014 йилда 2275,6 млрд сўмни ташкил этган ёки йиллар оралиғида 12,86 % ўсган.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ эса 2012 йилда 5,10 % дан 2013 йилда 5,0 % га тушган бўлса 2014 йилда 6,44 % га кўтарилган.

Ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами ресурс ва мол мулк солиқлари ҳажмидаги улуши динамикаси шуни кўрсатадики, мулк солиғи


2012 йилда 22,22 % ни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб 29,54 % га этган (10-жадвал).

10-жадвал

Ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами ресурс ва мол мулк солиқлари ҳажмидаги салмоғи динамикаси, % да

Кўрсаткичлар	Ресурс ва мол мулк солиқлари жами, %	Мулк солиғи, %	Ер солиғи, %	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, %	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, %
2012 йил	100	22,22	14,68	60.87	2.23
2013 йил	100	26,02	15,00	56.35	2.63
2014 йил	100	29,54	15,02	52.78	2.66

Ер солиғи эса ресурс ва мол мулк солиқлари ҳажмида 2012 йилда 14,68 % ни 2013 йилда 15 % ни ва 2014 йилда 15,02 % ни ташкил этган.



5-расм. Ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи ўзгариши

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тури эса 2012 йилда 60,87 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 56,35 % ни ва 2014 йилда 52,78 % ни ташкил этган. Айтиш мумкинки ушбу солиқ турининг камайиб боришига

табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида халқаро майдонда солир бўлаётган иқтисодий сиёсий жараёнлар ва бошқа омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тури ҳам ресурс ва мол мулк солиғи орасида атига 2,23 % ни 2012 йилда ташкил этган бўлса, 2014 йил ҳолатига 2,66 % ни ташкил этмоқда.

Ер солиғи, мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак, 2012 йилда 4,1 млн. нафарни ташкил этган бўлса 2014 йилда 4,3 млн. нафарга етган ёки йиллар оралиғида 6,4 % ўсган (11-жадвал).

11-жадвал

Ер солиғи, мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони тўғрисида маълумот¹⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар, (нафар)			2014 йилда 2012 йилга нисбатан, % да
	2012	2013	2014	
Ер солиғи тўловчилар	4110262	4266130	4371523	106,4
Мол-мулк солиғи тўловчилар	4793606	4920365	5038206	105,1
Жами	8903868	9186495	9409729	105,7

Мол-мулк солиғи тўловчилар сони эса, 2012 йилда 4,8 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 4,92 млн. нафар ва 2014 йилда 5,03 млн. нафарга етган ёки йиллар оралиғида 5,1 % ўсган.

Таҳлил натижасида айтиш мумкинки, ер ва мол-мулкка эга бўлган фуқоролар сони ортиб бориши, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиб бораётганлигининг кўзгусидир.

¹⁶ Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида

Ундан ташқари солиқ тизимида берилаётган имтиёзлар ва имкониятларнинг ортиб бориши натижасида солиқ интизомининг ортиши, масулятнинг сезилишида намаён бўлмоқда.

Мамлакатимиз солиқ тизимида таснифдан келиб чиққан ҳолда эмас, балки умумий баҳо берадиган бўлсак солиқ юкининг ҳолатидан келиб чиққан мақсадга мувофиқ.

Жумладан 2000 йилда умумий солиқ юки 40 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 38 % ни ташкил этган (6-расм).




2010 – 2014 йиллар оралиғини таҳлил этганимизда 2010 йилда 28 % ни ташкил этган ва 2011 йилда 30 % га етган. 2012 йилга келиб эса, 29 % ҳамда 2013 йилда 27 % гача пасайганлигини кўришимиз мумкин.

2014 йил ҳолатига аҳамият берадиган бўлса 28 % солиқ юкининг мавжудлигини ҳамда 2000-2014 йиллар оралиғида ўртача 30,9 % солиқ юки мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

2015 йилда давлат бюджети параметрларини кузатиш натижасида бу кўрсаткич ўсиш босқичидагини кўришимиз мумкин юўлади. Сабаби даромадва фойда солиқлари 2015 йилда 2014 йилга нисбатан ўсганлигини кузатиш мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг 2000-2015 йиллар оралиғида ўзгариши динамикасини таҳлил этсак, 2000 йилда энг паст ставка 13 % ни ташкил этган бўлса энг юқори даражаси 36 % ни ташкил этган (7-расм).



7-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг 2000-2015 йиллар оралиғида ўзгариши, % да¹⁷

Бу кўрсаткич 2005 йилда энг паст ставка 13 % ни ташкил этган бўлса энг юқори даражаси 29 % ни ташкил этган ҳамда энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача бўлган қиймати учун 2000 йилдаги 25 % ўрнига 2005 йилда 21 % га туширилган. 2010 йилда эса бу кўрсаткичлар мос

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида

равишда 11 %, 17 % ва 22 % ни ташкил этган бўлса, 2015 йилдан 8,5 %, 17 % ва 23 % этиб белгиланди. Ривожланган давлатларда солиқ тизимида берилаётган имтиёзларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келади ҳамда уларнинг ЯИМдаги улуши ҳам шунга мос ҳолатдадир. Мамлакатимиз шароитида кичик бизнес субъектларига белгиланган солиқ ставкалари таҳлил натижасида ягона солиқ тўлови ставкаси 2000 йилга нисбатан сўнгги 15 йил ичида 50 % га қисқарганини ва брокерлик фирмаларига ягона солиқ тўлови эса 32 % га оширилганини кўришимиз мумкин (12-жадвал).

12-жадвал

Кичик бизнес субъектлари учун 2000-2015 йиллар оралиғида ягона солиқ тўлови ставкалари динамикаси¹⁸

№	Солиқ тўловчи кичик бизнес субъектлари	Йилларда %				2015 йил 2000 йилга нисбатан, % да
		2000	2005	2010	2015	
1	Ягона солиқ тўлови ставкаси	10	12	7	7,5	50
2	Ҳарид, сотув ва таъминот кархоналарига ягона солиқ тўлови	25	30	33	33	132
3	Қишлоқ хўжалиги кархоналарига ягона солиқ тўлови	5	6	6	6	120
4	Брокерлик фирмаларига ягона солиқ тўлови	25	30	33	33	132
5	Лотерия, татализатор ва бошқа ўйинларга ягона солиқ тўлови	25	20	33	35	140
6	Концерт гастрол фаолияти учун ягона солиқ тўлови	25	30	30	35	140
7	Компьютер техникаси ва бошқа дастурий воситалар билан шуғулланувчилар учун ягона солиқ тўлови	10	12	5	5	50

Глобаллашувнинг ҳозирги шароитида брокерлик фирмаларига ягона солиқ тўлови пасайтириш имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

II боб бўйича хулосалар

Маълумки бевосита солиқлар тўғридан тўғри даромад, фойдадан олинади ва солиқ тўловчи асосан даромад, фойда олувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. 2012 йилда жами давлат бюджети даромадлари 21295,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 26232,0 млрд. сўм ва 2014 йилга келиб 31729,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки ўрганилган йиллар орлиғида 49 % ўсиш суратида эга. Йиллар кесимда инфляциянинг(йиллик ўртача 7 %) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашадиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда ўрнача 35 % га ошганлигини кўриш мумкин бўлади. Юридик шахслар даромадига солиқ 2012 йилда 1001,1 млрд.сўмни ва 2014 йилда 1120,2 млрд.сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 11,9 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида ўзгаришсиз қолганини кўриш мумкин.

Бевосита солиқлардан фарқли равишда, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол мулки билан боғланмайди, балки уларга шахсий истеъмол товарлари, шунингдек аҳолига кўрсатилган турли хизматлар бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи 2012 йилда 5966,6 млрд.сўмни ва 2014 йилда 9475,6 млрд.сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 58,8 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида 45 % ўсганини кўриш мумкин. Билвосита солиқлар орасида аксиз солиғи 2012-2014 йиллар орлиғида ўртача 55,5 ўсиш суръатида эга бўлиб, 2012 йилда 3175,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда 4941,1 млрд. сўмни ташкил этган.

Ресурс ва мол мулк солиғи таҳлили шуни кўрсатадики, ресурс ва мол мулк солиқ турларининг жами ресурс ва мол мулк солиқлари ҳажмидаги улуши динамикаси шуни кўрсатадики, мулк солиғи 2012 йилда 22,22 % ни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб 29,54 % га этган. Ер солиғи эса ресурс

ва мол мулк солиқлари ҳажмида 2012 йилда 14,68 % ни 2013 йилда 15 % ни ва 2014 йилда 15,02 % ни ташкил этган.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тури эса 2012 йилда 60,87 % ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 56,35 % ни ва 2014 йилда 52,78 % ни ташкил этган. Айтиш мумкинки ушбу солиқ турининг камайиб боришига табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида халқаро майдонда солир бўлаётган иқтисодий сиёсий жараёнлар ва бошқа омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тури ҳам ресурс ва мол мулк солиғи орасида атига 2,23 % ни 2012 йилда ташкил этган бўлса, 2014 йил ҳолатига 2,66 % ни ташкил этмоқда.

Ер солиғи, мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак, 2012 йилда 4,1 млн. нафарни ташкил этган бўлса 2014 йилда 4,3 млн. нафарга етган ёки йиллар оралиғида 6,4 % ўсган.

Мол-мулк солиғи тўловчилар сони эса, 2012 йилда 4,8 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 4,92 млн. нафар ва 2014 йилда 5,03 млн. нафарга етган ёки йиллар оралиғида 5,1 % ўсган.

Таҳлил натижасида айтиш мумкинки, ер ва мол-мулкка эга бўлган фуқоролар сони ортиб бориши, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиб бораётганлигининг кўзгусидир.

3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ривожланган давлатларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш тажрибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари

Солиқлар - бозор иқтисодиётининг энг муҳим воситаси бўлгани учун ҳам гарбдаги юксак даражада ривожланган мамлакатлар хўжаликларини бошқаришда улардан фойдаланиш тажрибаси биз учун ҳам қизиқарлидир. Янги солиқлар жорий этиб, қайсидир олдинги солиқлар ва йигимларни бекор қилиб, ставкаларни ошириб ёки пасайтириб, бошқа воситалардан фойдаланиб, давлат, фақат ўз миллий бюджетный шакллантирмайди, балки жамиятда тегишли иқтисодий, ахлоқий ва сиёсий вазиятни, фуқароларнинг меҳнат фаоллигини рағбатлантирувчи муҳит яратади ва мана шу маънода солиқлар мамлакатнинг фаровонликка эришиши учун замин ёки бу йулда унга тўсиқ хизматини ўташи мумкин.

Жаҳондаги айрим мамлакатларнинг солиқ тизими турли шароитларда шаклланган. Фақат XX аср ўрталаридагина солиқ тизими ривожланишда урушдан сунгги иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар пайдо бўла бошлади. Юқори даражадаги давлат харажатлари ўша вақтларда табиий суръатда катта ҳажмдаги солиқларни юзага келтирган. Бундан ташқари, ҳатто Европа Иттифоқида (ЕИ) ҳам солиқ солишнинг жуда ҳам мураккаб ва кўпқиррали тизимлари амалда қўлланилган бўлиб, солиқларнинг аҳамиятлилиги турли мамлакатларда турлича бўлган. Масалан, Францияда билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги ҳиссаси 62,7%ни, Нидерландияда эса фақат 41,3%ни ташкил қилади.

Шуни айтиш керакки, давлат молиявий ресурсларини марказий ва маҳаллий органлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми, ҳокимиятнинг ҳар бир даражаси ихтиёридаги солиқ кўламлари, уларнинг бажараётган вазифалари ва автономия тамойиллари мамлакатнинг

конституциявий тўзилишига қараб белгиланади.

Мамлакатларда ҳокимиятнинг табақаланишига қараб солиқ тизими ҳам икки ёки уч погонали бўлиши мумкин. Масалан, федерацияларга бўлинган мамлакатларда (АҚШ, Германия, Канадада) солиқ сиёсати уч поғонада — федерал органлар, регионал органлар (штатлар, департаментлар, заминлар ва шу кабилар) даражасида, ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари даражасида амалга оширилади. Федератив бўлинмаларга эга бўлмаган давлатлар (Франция, Япония ва шу кабилар)да умумдавлат ва маҳаллий солиқларга асосланган икки погонали солиқ тизими мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга асосланган икки погонали давлат бюджети тизими шаклланган. Республика фаолиятининг бозор муносабатлари шароитида солиқлар, йиғимлар ва бюджетнинг бошқа даромад манбаларини бошқариш тизими ўзгармоқда. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш туғрисидаги қонуний актлар қабулқилиниши билан ҳокимиятнинг маҳаллий органларини молиявий таъминлаш муаммоси, айниқса, алоҳида қизиқиш уйғотади.

Жахондаги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тегишли ҳудудий бирликлар (шаҳарлар, туманлар, графликлар, штатлар, ерлар ва шу кабилар) муҳим рол уйнайди. Маҳаллий бюджетлардан транспорт, сув ва газ таъминотини ривожлантиришга, мактаблар, касалхоналар, ижтимоий инфратузилмалар ва қатор бошқа объектлар қурилишига пул ажратилади. Шаҳарларни қайта қуриш, йўллар ва паркларни ободонлаштиришга, коммунал ва жорий қурилишларга сарфланган харажатлар қопланади. Бундан ташқари, маҳаллий маъмурият органлари, полиция ва суд ҳам маҳаллий бюджет хисобидан молиялаштирилади.

АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини солиштирма таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириб чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими 2 погонали:

1. Умумдавлат солиқлари

2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Юқорида кўрганимиздек АҚШ солиқ тизими уч погонали, яъни:

1. Федерал солиқлари;
2. Штат солиқлари;
3. Шаҳар солиқлари.

Республикамиз **умумдавлат солиқларига** асосан доимий тушумга эга бўлган ва бюджетга муҳим урин тутадиган солиқлар йуналтирилади. Бўларга: жисмоний шахслар даромадига солиқ, юридик шахс даромадига солиқ, акқиз солиғи, ККС, давлат божи, божхона божи ва бошқа солиқлар киради.

АҚШ федерал бюджетсолиқларида эса асосанТўғри солиқлар хиссаси кўпроқТўғри келади.

Иккала давлат учун ўхшашлик жихати ҳар иккала бюджетга ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган солиқлар йуналтирилади. Фарқлижихати эса Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ҳозирги кунда эгри солиқлар хиссаси кўпроқ, шу сабабли эгри солиқлар ҳам умумдавлат солиқларида муҳим аҳамиятга эга, АҚШ федерал бюджетига эса эгри солиқлар деярли йўқ, чунки мамлакат бюджетига эгри солиқларнинг хиссаси кам бўлиб АҚШ федерал бюджетига жисмоний шахслар даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда (бюджетдаги салмоғибўйича) ижтимоий суғурта ажратмалари ва корпорациялар даромадига солиқ киради.

АҚШда корпорация бюджетига солиқларни федерал бюджетдан ташқари штат солиқлари таркибига ҳам киритилади. ҳозир бу солиқнинг ставкаси - 34 %, Республикамизда эса - 24 % .

Республикамиз солиқ тизимининг иккинчи погонаси маҳаллий солиқлар ва йиғимлардир.Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Аммо

Республикамиз худудида маҳаллий солиқлар харажатларни 30-40 % ини қоплайди, холос.

Маҳаллий бюджетини (солиқларнинг) муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

АҚШ маҳаллий солиқлари (шаҳар) асосан: ижтимоий таъминот, йул қурилиши, соғлиқни-сақлаш, халқ таълими маҳаллий солиқларга киради. Республикамиз маҳаллий солиқларига эса: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, ягона солиқ ва бошқа йиғимлар ҳам киради.

Америка Қўшма Штатларида қимматли қоғозлар бозори анча ривожланган ва бу тизимдан ҳам жуда катта даромад олиш имконияти мавжудлиги туфайли мамлакат бюджетига ушбу операциялардан ҳам маълум миқдорда солиқ тушумлари тушади.

Республикамиз худудида эса аксинча, яъни қимматли қоғозлар бозори хали тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли ҳам солиқ тушумлари кам. Республикамиз солиқ тизимида ҳам янада бу бозорни ривожлантириш мақсадида ушбу операциялардан, яъни қимматли қоғозлар операциясидан даромад олувчи ҳуқуқий шахсларга солиқлардан имтиёз берилган.

Америка Қўшма Штатларида компаниялар ва корпорацияларнинг солиқ базасидан илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар бутунлай, ускуналарни замонавийлаштиришга харажатлар қисман чиқариб ташланиши мумкин. Унча катта бўлмаган компанияларга, яъни кичик бизнесга махсус имтиёзлар берилади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида йиллик даромади 75 минг долларгача бўлган компанияларга йил давомида қиймати 10 минг долларгача бўлган (компанияларга йил давомида) янги ускуна йиғини тўлиқ ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилади. Кичик бизнес учун Америкада, шунингдек, фойда солиғи учун имтиёзли прогрессив ставкалар белгиланган.

Республикамиз мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес учун жуда аҳамиятга молик ишлар амалга

оширилмоқда. Икки давлатнинг яна бир эътиборга молик бўлган солиқ ва солиқсиз тўловларидан бири бу божхона божларидир. Америка Қушма штатларида иқтисодиёт анча ривожланганлиги сабабли мамлакат ички бозори ўз ишлаб чиқарган махсулотлари билан таъминланган. Шу қатори экспорт ҳам яхши йулга қўйилган. Шу сабабли ҳам мамлакатга импорт қилувчи товарлар учун божхонада расмийлаштириш учун божхона ва давлат божлари нисбатан юқори эмас.

Республикамизда эса ишлаб чиқариш хали тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли ўз ички бозоридаги ишлаб чиқарилган махсулотларни химоя қилиш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида четдан келаётган импорт товарлар учун солиқлар ва божлар юқори ставкада қўлланилади. Акқиз солиғи (акқиз маркалари) махсулотни икки баробар нархга кўтарилишига олиб келади.

Германия мамлакатини Ўзбекистон солиқ тизими билан солиштирадиган бўлсак бир қанча ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд. Уларни қуйида кўриб чиқишимиз мумкин:

Ўзбекистонда солиқлар республика ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал ерлар (худуд) ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Германияда қўшма солиқлар, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча бюджетга тушадиган солиқлар мавжуд. Ўзбекистонда эса йўқ, ҳар бир солиқ тури тўлигича битта бюджетга тўшади.

Германия солиқ тизими Ўзбекистон солиқ тизимига нисбатан анча ривожлангандир ва солиқ турлари ҳам Ўзбекистондагидан бир мунча кўп. Германияда Ўзбекистонда бўлмаган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқлар: черков солиғи, ит солиғи ва бошқалар мавжуддир. Шу билан бирга Ўзбекистонда мавжуд мол-мулк солиғи Германияда йўқ.

Германия солиқ тизими Ўзбекистон солиқ тизимига нисбатан анча мураккаб тўзилишга эга. Буни ер солиғи, жисмоний шахслар даромадига солиқ мисолида кўришимиз мумкин.

Германияда корпорациялар даромадига солиқ солишда солиққа

тортилмайдиган минимумлар бор. Корпорацияларни даромадини солиққа тортишда даромадлар иккига бўлинади; тақсимланадиган ва тақсимланмайдиган.

Ўзбекистонда бу солиқ юридик шахслар даромадига солиқ деб юритилади. Юридик шахсларни фаолиятдан келиб чиқиб кичик корхоналар ягона солиқ, савдо ва умумий оқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи вақолган юридик шахслар умумий тартибда солиқ тўлайдилар.

Германияда мол-мулк солиғи ўрнига жисмоний шахсларга мерос ва совғага солиқ жорий қилинган. У қариндошлик даражасига қараб 3%дан 70% ставкагача қўлланилади. Ўзбекистонда мерос ва совғага солиқ бир марталик йиғим сифатида жорий қилинган.

Германияда ер солиғи улардан фойдаланиш тури ҳамда у ерда яшовчи оилалар сонига қараб қўлланилади. Ўзбекистонда эса ер солиғи юридик шахсларга алоҳида ва жисмоний шахсларга алоҳида қўлланилади. Солиқ ставкасини Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили қайта белгилайди.

Германияда ҚҚС солиғини пасайтирилган ставкаси мавжуд. Ўзбекистонда эса ҚҚС ягона ставкада қўлланилади.

Германия солиқ тизими билан Ўзбекистон солиқ тизими ўртасидаги ўхшашликка тўхталадиган бўлсак, ҳар икки давлатда ҳам бир қанча моҳияти жихатидан бир хил солиқлар мавжуд. Масалан ҚҚС, жисмоний шахслар даромад солиғи, акқиз солиғи.

Франция солиқ тизимини Ўзбекистон солиқ тизими билан ўхшашликлари жуда кўпдир. Бу ўхшаш жихатларни қуйидаги солиқ турларини мавжудлиги, уларни бюджетга тўланиш тартиби жихатларидан солиштирма таҳлил қиламиз:

Франция солиқлари умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлиниши Ўзбекистон Республикасининг бўлинишига ўхшашдир.

Францияда марказий ҳукумат бюджет даромадларининг асосий 93% ни солиқ тўловлари ташкил этади. Бюджет даромадларининг қолган қисмини

махсус даромадлар ташкил қилади. Махсус даромадлар асосан ижтимоий фондларга тўловлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида марказий ҳукумат бюджет даромадларининг асосий қисмини 93-95%ни солиқ тўловлари ташкил этади. Қолган қисмини пенсия фонди, бандлик фонди, йул фонди каби фондларга тўловлар ташкил этади.

Иқтисодий моҳиятига кўра Франция ва Ўзбекистон Республикасини солиқ тизими тўғри солиқлар ва эгри солиқларга ажратилади. Тўғри солиқлар ўз навбатида юридик шахслардан олинадиган солиқлар, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлардир. Бу солиқ турлари қуйидагилар:

Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар:

- ✓ корпорация фойдасидан солиқ;
- ✓ корпорация мол-мулкига солиқ;
- ✓ сугўрта жамиятларининг даромад солиғи;
- ✓ юридик шахслардан маҳаллий йигимлар ва бошқа солиқлар ҳам ундирилади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар:

- ✓ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ✓ турар жойга солиқ;
- ✓ касб-хунарга солиқлар;
- ✓ маҳаллий йигимлар ва бошқа йигимлар.

Юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар:

- ✓ қурилиш қилинадиган ерларга солиқ;
- ✓ қурилиш қилинмайдиган ерларга солиқ;
- ✓ реклама солиғи;
- ✓ маҳаллий йигимлар ва бошқа тўловлар.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акқиз солиғи ва божхона божлари киради. Бу солиқларни таркиби Францияга таалуқли бўлиб, эгри солиқлар таркиби Ўзбекистон Республикасини эгри солиқлари

таркиби билан бир хилдир.

Ўзбекистон Республикасининг тўғри солиқлар таркибига юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, экология солиғи, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, реклама солиғи, мол- мулк солиғи, ер солиғи, инфратўзилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ, маҳаллий йигимлар ва бошқа солиқлар киради.

Францияда бюджет даромадларининг 8.5% ни эгри солиқлар таркибига кирувчи нефть маҳсулотларига солиқ ва акқиз солиғи эгаллайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи асосий ўринни эгаллайди ва бюджет даромадларининг 20-21 %ни ташкил этади. Тўғри солиқлар ичида иккинчи ўринни компаниялар даромадига солиқ эгаллайди. У бюджет даромадларининг 8-10 %ни ташкил этади.

Ўзбекистонда умумий бюджет даромадларининг 2002 йилда 19,8%ни акқиз солиғи эгаллаши прогноз қилинган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 %ни ташкил этиши прогноз қилинган. Юридик шахслардан ундириладиган даромад солиғининг улуши эса 9.2%ни ташкил этилиши кўзда тутилган. Францияда компаниялар даромадига солиқнинг асосий ставкаси 34 % қилиб белгиланган. Ўзбекистонда эса юридик шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкаси 2015 йил учун 7,5 % қилиб белгиланган.

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи Франция давлатидаги фуқаролардан олинадиган даромад солиғи бўлиб, тарихий хусусиятга эга. Францияда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг хусусияти қуйидагича:

- ✓ давлат томонидан ижтимоий сиёсат юргизишга таъсир этади;
- ✓ ҳар бир кишининг даромадидан эмас балки оила даромадига нисбатан ҳисобланади.

Ушбу солиқнинг тўловчилари 18 ёшга тўлган ва ундан катталар ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Франция давлат бюджетидаги улуши 20 % ни ташкил этади. Даромад солиғидан

тушган маблағларни кам таъминланган оилаларга, таълим, маориф, спорт ва бошқа соҳаларга йуналтирилади.

Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиғига аҳолининг омонат кассаларига, кучмас мулкка пул қуйишини, акциялар сотиб олишни рағбатлантириш функциялари юклатилган.

Солиқ миқдори прогрессив характерга эга бўлиб, энг юқори ставка 16,8%ни ташкил этади. Францияда истиқомат қилувчиларнинг барчаси мамлакат ичида ёки чет элда олган даромадларидан даромад солиғи тулайдилар. Йил давомида олинган барча пул тушумлари даромад деб тушунилади. Бунга асосан қуйидагилар киради: иш хақи, мукофотлар, пенсия ва нафақалар, рента, ҳаракатланувчи мол-мулкдан олинган даромад, қишлоқ хужалиғи фаолиятидан олинган даромад, қимматбаҳо қозғалар операциялари бўйича олинган даромад ва бошқа даромадлар киради.

Франция давлатида аҳолидан олинадиган даромад солиғи ялпи даромадга нисбатан ҳисоб-китоб қилинади ва фуқаролар йилига бир марта топшириладиган декларация асосида солиқ ҳисоб-китоб қилинади. Даромад солиғини ҳисоблашда солиқ тўловчининг даромади 7 та категорияга бўлинади:

1. Ёлланма иш учун меҳнатга ҳақ тулаш;
2. Ердан олинадиган даромад;
3. Айланма маблағлардан олинадиган даромад;
4. Дайта сотишдан олинадиган даромад;
5. ҳиссадорлик жамияти ҳисобланмаган корхоналарнинг саноат ва савдо операцияларидан олинган даромад;
6. Нотижорат даромадлари;
7. Қишлоқ хужалиғи фаолиятидан олинган даромадлар;

Ўзбекистон жисмоний шахсларидан ундириладиган солиқ Франция жисмоний шахсларидан олинадиган солиққа моҳиятан ухшаб кетади. Уларнинг бироз фарқи ставкаларидадир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида қуйидаги гуруҳ ставкалари

белгиланган:

- ✓ Жисмоний шахсларнинг иш хақи, мукофотлар ва бошқа даромадларининг дифференциал ставкалари;
- ✓ Жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизларга ставкалар;
- ✓ Манбалар туланган норезидентларнинг даромадларига ставкалар.

Солиқ объекти бўлиб йиллик жами даромад билан солиққонунчилиги буйича чегирилиб ташланадиган чегирмалар орасидаги фарқ сифатида аниқланган миқдор солиққа тортиладиган даромад ҳисобланади. Демак, солиққа тортиладиган даромад - бу жами даромаддан чегирмалар ва солиққа тортилмайдиган даромадлар чиқариб ташланган суммадир.

Франция бюджетига мол-мулкка солинадиган солиқ ҳам катта даромад келтиради. Мол-мулк солиғининг объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ, қимматли қозғалар. Мол-мулк таркибига бинолар, иншоотлар, саноат ва қишлоқ хужалиги корхоналари характерланади. Мол-мулк, чорва моллари ва қўп йиллик дарахтлар киритилади. Ушбу солиқ прогрессив характерга эга бўлиб, табақалаштирилган. Францияда шу нарсага алоҳида эътибор берилганки даромад солиғи билан мол-мулкка солинадиган солиқнинг биргаликдаги умумий суммаси жами даромаднинг 85 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистонда мол-мулк солиғи Франциядаги мол-мулк солиғи билан деярли бир хил аҳамиятга эга бўлиб, улар солиқ ставкалари ва ҳисобланиши жиҳатидан фарқ қилади.

ҚҚСнинг ватани Франция бўлиб, 1954 йилда Лоре томонидан жорий қилинган. ҚҚС биринчи бўлиб марказий бюджетга келиб тушади. Унинг 10% и эса бевосита маҳаллий бюджетга бориб тушади. ҚҚСнинг асосан 3та ставкаси мавжуд:

- ✓ пасайтирилган ставка - туристик отеллар, пансионат, корхона ошхонасида тайёрланган озиқ овқатлар учун, шакар, ёғ, сут маҳсулотлари, мураббо, химикатлар, уғитларга нисбатан 2,1% ни ташкил этади.

- ✓ ўртача ставка - импорт махсулотларига, савдо-сотиқоперацияларига, газ, электр, иссиқ сувга, чой, кофе, музқаймоқлар ва ресторандаги хизматларга нисбатан қўлланилади. Унинг ставкаси 4-5.5 % ни ташкил этади.
- ✓ юқори ставка - қимматбаҳо тошларга, хайвонлар терисига, муйналар, киноаппаратура, аудио, видео аппаратуралар, автомобиллар, тамаки махсулотлари ва гугуртларга нисбатан 18,6 % қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда ҚҚС товарларни ишлаб чиқариш, сотиш ва Ўзбекистон худудига товарлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишни билдиради. ҚҚС оборотдан олинади. ҚҚС ставкаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 20 % ли пропорционал ставка қилиб белгиланган. Ўзбекистонда товар, махсулот, кучмас мулк, иморатлар ва иншоотлар қўшилиб электр-энергия, иссиқлик энергияси, газ, сув, бажарилган қурилиш монтаж, таъмирлаш, илмий текшириш, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиха қидирув, таъмирлаш ва бошқа ишларга ҚҚС солинади.

Франция солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ҳам аҳамиятли бўлиб, маҳаллий идоралар 80 000 дан ортиқ мустақил бюджетларни бирлаштиради. Маҳаллий солиқлар ва йигимлар 4 та асосий гуруҳга бўлинади:

- ✓ қурилиш қилинган ерларга солинадиган солиқ - объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: бино ва иншоотлар, миноралар, саноат ва тижорат мақсадларида ишлатилишга мулжалланган майдонлар.
- ✓ қурилиш қилинмайдиган ерларга солинадиган солиқ объекти бўлиб далалар, урмонлар, яйловлар, ботқоқликлар шур ерлар, қишлоқ хужалигидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мулжалланган ерлар, қуриқхоналар ва бошқалар.
- ✓ турар жойларга солиқ - объекти турар жой эгалари ва ижарачилар мол-мулки.
- ✓ касб-хунарга солиқ - эркин касб билан шугулланадиган лекин иш ҳақи олмайдиган шахслар томонидан туланади.

Ўзбекистон маҳаллий солиқлари Францияниқидан бир мунча фарққилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, экология солиғи, юридик шахслар тулайдиган солиқлар реклама солиғи, кичик бизнес учун яғона солиқ, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, савдо ҳуқуқини олиш йигими ва бошқалар.

Япония ва Ўзбекистонсолиқ тизими солиштирма таҳлил натижалари қуйидагича. Бюджетга келиб тушиш буйича:

✓ Ўзбекистонда солиқлар иккита бюджетга келиб тушади: умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджет;

✓ Японияда ҳам икки хил бюджет мавжуд бўлиб улар қуйидагича номланади: давлат бюджети ва маҳаллий бюджет;

Бюджетлар даромадлари шаклланишида солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг хиссаси буйича:

Ўзбекистонда давлат бюджети шаклланишида:

1. Солиқлар хиссаси 93 %ни ташкил этади.
2. Солиқсиз тўловлар хиссаси 7 %дир.

Японияда давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми қуйидагича:

1. Солиқлар хисобига 84 %.
2. Солиқсиз тўловлар хиссаси хисобига 16%, маҳаллий бюджетларда эса 25% фоизгача солиқсиз тўловлар хисобига қопланади.

Солиқлар турларининг сони буйича:

✓ Ўзбекистон солиқ тизимида ҳозирги кунда 7 та умумдавлат солиқлари ва 8 та маҳаллий солиқ турлари мавжуд.

✓ Японияда эса 25 та давлат солиқлари ва 30 та маҳаллий солиқлар мавжуд.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи буйича:

✓ Ўзбекистонда жисмоний шахслардан даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб улар, энг кам иш ҳаққининг (4335 (2002йил) сум) 5 бараваригача 8,5 %, энг кам иш ҳаққининг 5 бараваридан 10 бараваригача 17 %, энг кам иш ҳаққининг 10 бараваридан юқорисига

23%ли солиқ ставкалари қўлланилади.

Японияда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб, солиқ ставкаси 5 хилдир: 10%, 20%, 30%, 40% ва 50% солиқ ставкалари.

Лекин Японияда шахсларнинг даромадини солиққа тортишда оилавий ахволни ҳам ҳисобга олувчи солиққа тортилмайдиган минимум қўлланилади. бундай чора Ўзбекистонда 2015 йил 1 январдан қўлланилади.

Бундан ташқари Японияда кўп оилалилар қушимча солиқ имтиёзларига эга бўладилар.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи буйича:

- ✓ Ўзбекистонда ҳозирги кунда юридик шахслар ўз даромадларидан 24 %ни давлат бюджетга ўтказадилар.
- ✓ Япония корхона ва ташкилотлар ўз даромадларидан 33,48 фоиз давлат даромад солиғи тўлаб, бундан 5 фоизи ёки даромаднинг 1,67 фоизи, префектура, 12,3 фоизи ёки даромаддан 4,12 фоизи шаҳар (туман) даромад солиғидир.

Мол-мулк солиғи буйича:

- ✓ Ўзбекистонда мол-мулк солиғи буйича ставка 1,03 % қилиб белгиланган.
- ✓ Японияда мол-мулк солиғини ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар 1,4 фоиз ставкада тўлайдилар.

Умуман олганда икки давлатнинг солиқ тизимини барқарорлигини солиштирадиган бўлсак Япония давлати солиқ тизими нафақат Ўзбекистонга нисбатан ривожланган чет мамлакатлар солиқ тизимлари ичида ҳам энг барқарор солиқ тизими десак бўлади.

Юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Мустақил Давлатлар ҳамдустлигига кирувчи давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида солиқ тизимларини, бюджет жараёнларини, давлат харажатларини, назорат тизимини мувофиқлаштириш зарур. Бундай келишув айниқса, солиқлар соҳаси буйича жуда зарур. Айнан

шу йулни Европа Иттифоқи мамлакатлари босиб ўтмоқдалар.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда **Мустақил Давлатлар ҳамдустлиги** давлатларнинг ҳар бирида бир-бири билан келишиладиган ўзига хос солиққонунчилиги ишламоқда. Бундай ўзаро келишилмаган молиявий сиёсат ҳозирги кундаёқ, айнан бир махсулотга турли нархлар қўлланиши, турли солиқлар ва ставкалар мавжудлиги сабабли ўзаро ҳисоб-китобларда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу каби тафовутлар шунга олиб келадики, айнан уша бир махсулот учун айрим давлатлар ортиқча пул тўласа, бошқалари уларга нисбатан кам пул тулайдилар, яъни МДХдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда нархлар тенглиги бўзилади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги солиқ ислохотлари тажрибаси шундан далолат берадики, янги солиқлар солиш бўйича қарорлар қабулқилишда умуммиллий қонунларга таянилганда энг кўп самарага эришилишидан дарак беради, бироқ ҳокимият маҳаллий органлари қарорлари бўйича иш қурилганда бунчалик самара бўлмайди, бу эса кейинги вақтда республика учун хос хусусият бўлиб қолади. Бошқа бир томондан, маҳаллий бюджетлар марказий бюджет таркибида ҳисобга олинмаганда марказий ҳокимият ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари фаолиятлари доирасининг, уларни ўз-ўзини маҳаллий таъминлашини чеклаш сиёсати катта аҳамият касб этади. Бу эса, фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам ўз аксини топиши мумкин бўлган ҳолдир.

Республикамызда, бошқа мамлакатларда бўлганидек, солиқларнинг энг асосий турларидан бири қушилган қиймат солиғидир. Бироқ у бизда махсулотнинг истеъмолчига етиб боришидаги фақат бир бугинда эмас, балки аслида барча бугинларда (қишлоқ хўжалигидан ташқари) олинади.

Қишлоқ хўжалигига юборилаётган товарлар (тракторлар, уғитлар ва бошқалар) акқизлари солинадиган руйхатни кенгайтирилиши ўзини оқламайди. Бу махсулотларга қўйиладиган нархлар кескин кўтарилишига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг молиявий ахволи янада ёмонлашувига олиб келади.

Жахондаги ривожланган мамлакатларда фойдадан олинадиган барча солиқлар бирлаштирилганда 35-40 %ни ташкил қилади, Ўзбекистон Республикасида эса солиқлар бир қатор корхоналарда деярли бир ярим, икки баробар баланд, бу эса хар қандай ташаббусни сўндиради ва ишлаб чиқаришни ҳамда ишчанликни ривожланишга маълум тўсқинликларни вужудга келтиради.

Ривожланган давлатлар солиқ тизими таҳлили натижасида қуйидаги хулосалар шакиллантирилди.

Давлат номи	Ўзбекистон билан солиштира таҳлили		
	Ўхшаш жihatлари	Фарқли жihatлари	Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари
Америка қўшма штатлари	Икки давлатда ҳам давлат бюджетига энг муҳим бўлган солиқлар йўналтирилади	Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими 2 погонали: Умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йигимлар. АҚШ солиқ тизими уч погонали, яъни: Федерал солиқлари, штат солиқлари, шаҳар солиқлари. Республикамиз умумдавлат солиқларига асосан доимий тушумга эга бўлган ва бюджетда муҳим урин тутадиган солиқлар йўналтирилади. АҚШ федерал бюджет солиқларида эса асосан тугри солиқлар хиссаси кўпроқ тугри келади.	АҚШнинг қимматли қоғозлар бозори яхши ривожланганлиги боис давлат бюджетининг асосий қисмини мазкур фаолиятдан олинган солиқлар ташкил қилади. Мамлакатимизда эса бу тармоқ ривожини сусти ва уни ривожлантириш зарурий ҳолатдир. АҚШда маҳаллий бозорлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот билан тўлдирилади шу боис импортга божлар камлиги ижтимоий ҳимояни таъминлайди.
Германия	Хар икки давлатда ҳам бир қанча моҳияти жihatидан бир хил солиқлар мавжуд. Масалан ККС, жисмоний шахслар даромад солиғи, аккиз солиғи.	Ўзбекистонда солиқлар республика ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал ерлар (хууд) ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Германияда қўшма солиқлар, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча бюджетга тўшадиган солиқлар мавжуд. Ўзбекистонда эса йўқ, хар бир солиқ тури тўлиғича битта бюджетга тўшади. Германияда Ўзбекистонда бўлмаган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқлар: черков солиғи, ит солиғи ва бошқалар	Германияда юридик шахслар учун солиққа солинмайдиган минимум мавжуд бўлса мамлакатимизда йўқ. Уни жорий этилиши модернизация қилишнинг асоосий шароитларидар биридир.

		мавжуддир. Шу билан бирга Ўзбекистонда мавжуд мол-мулк солиғи Германияда йўқ.	
Франция	Франция солиқлари умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлиниши Ўзбекистон Республикасининг бўлинишига ўхшашдир	Францияда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг хусусияти қуйидагича: Ўзбекистондаги каби ҳар бир кишининг даромадидан эмас балки оила даромадига нисбатан ҳисобланади. Ушбу солиқнинг тўловчилари 18 ёшга тўлган ва ундан катталар ҳисобланади.	Оила даромадига нисбатан даромад солиғи ҳисобланиши фикримизча ижтимоий ҳимоянинг яхшу намунасидир.
Япония	Икала давлатда ҳам умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлинади Японияда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб, солиқ ставкаси 5 хилдир: 10%, 20%, 30%, 40% ва 50% солиқ ставкалари.	Ўзбекистон солиқ тизимида ҳозирги кунда 7 та умумдават солиқлари ва 8 та маҳаллий солиқ турлари мавжуд. Японияда эса 25 та давлат солиқлари ва 30 та маҳаллий солиқлар мавжуд.	Японияда кўп фарзандли оилаларга алоҳида солиқ имтиёзлари берилади мамлакатимизда ушбу солиқ амалиётини жорий этиш психологик жиҳатдар рағбатлантириш вазифасини бажаради.
Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги	МДХ давлатларида солиққа тортиш амалиёти деярли бир бирига ўхшиш	МДХ давлатларида асосий фарқли жихати бу солиқ ставкаларининг турли туманлигидир. Ундан ташқари божхона божлари ва тўловлари ҳам ўзаро тафовутли. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги айниқса Марказий Осиёда сезиларли. Яъни маҳсулотларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга ўтишида нархларда юқори тафовут бор. Бу эса “қора бозор”нинг ривожланишига замин бўлади.	Марказий Осиё давлатлари ўзаро келишган ҳолда солиқ ва божхона божларидаги тафовутларни қисқартириши ёки ягона ставкани қўллаш амалиётини жорий қилиши мақсадга мувофиқ.

8-расм. Ривожланган давлатлар солиқ тизимининг Ўзбекистон билан солиштирма таҳлили¹⁹

¹⁹ Мауллиф томонидан ишлаб чиқилди

3.2. Республикамизда солиқ юкини камайтириш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари

Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида ўплаб ишлар амалга оширилмоқда жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-359-сонли Қонунига мувофиқ, Солиқ кодекси янги бўлим билан тўлдирилиб, 51 та моддаси бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни билан солиқ кодексига киритилган янги 155-модда ва бошқа бир қатор моддаларга (155, 165, 176, 182, 184, 194) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мол-мулкани реализация қилишдан олинган даромадларига солиқ солиш тартибини, дивидендлар, фоизлар ва роялти бўйича халқаро шартнома нормаларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқини бериш каби янгиликларни назарда тутди.

Солиқ юкининг пасайтирилиши, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) ихтиёридан солиқлар шаклида бюджет ихтиёрига олинаётган маблағлар бир қисмининг шу субъектлар (солиқ тўловчилар) ихтиёрига қолдирилишини англатади. Бу эса, ўз навбатида, шунча миқдордаги маблағларнинг бюджетга бориб тушмаганлиги билан баробардир. Бундай вазиятда солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган мабларларни бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан компенсация қилиш (қайта тиклаш, ўрнини тўлдириш, қоплаш) масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда бундай «компенсация қилиш»нинг бир неча йўллари кўрсатилмоқда. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ юкининг пасайтирилиши автоматик равишда ишлаб

чиқаришнинг жонланишига, ривожланишига ёки кенгайишига олиб келадики, бу нарса, охир-оқибатда солиқ тўловчилар сонининг ортиши, солиққа тортиш объекти (базаси)нинг кенгайиши, кўпайиши (ортиши)ни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, солиқ юкининг пасайиши натижасида «йўқотилган» мабларларнинг бюджет учун компенсация қилишини таъминлаши мумкин.

2. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет «йўқотган» мабларларни қарз олиш йўли билан компенсация қилиш мумкин.

3. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет йўқотмаларини компенсация қилишнинг ўзига хос варианты, маълум маънода, бюджет харажатларини бюджет йўқотмаларига мос равишда қисқартиришдир.

4. Солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджет йўқотмаларини компенсация қилишнинг яна бир варианты юқоридаги вариантларнинг турли кўринишдаги комбинацияларидан иборат бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида биринчи ва иккинчи вариантдан, биринчи ва учинчи вариантдан, иккинчи ва учинчи вариантдан ва ҳар учала вариантдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Солиқлардан иқтисодиётни тартибга солишда муҳим молиявий унсур сифатида фойдаланиб, давлат учун устувор йўналишларни айнан солиқлардан имтиёз бериш орқали рағбатлантириб, ривожлантиради. Чунки, молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ҳар қандай иқтисодий субъект камроқ солиқ тўлашдан манфаатдордир. Сир эмас, бугунги кунда корхоналар фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан солиқ ва мажбурий ажратмаларнинг қандай ва қанча миқдорда тўланишига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис асосий вазифалардан бири -иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш ҳисобланади.

Фикримизча, амалга оширилган чора-тадбирлар билан бир қаторда қуйида келтирилган йўналишларда иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:


Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик тадбиркорлик субъектлари белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни

тўлаш билан боғлиқ бўлган солиқ маъмурчилиги харажатлари бугунги кунга кадар юқорилигича қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда фаолият юритувчи корхоналар фаолиятида солиқ маъмурчилиги харажатларининг ошиши регрессив характерга эга бўлиб, корхоналар тушумининг ўсишига тескари пропорционалдир. Жумладан, кичик корхоналарнинг йиллик тушуми хажмининг ўзгариши билан солиқ маъмурчилиги харажатлари ҳам мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда солиқ маъмурчилиги харажатларини камайтириш юзасидан чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, бизнингча, бугунги кунда корхоналарнинг солиқ маъмурчилиги харажатларини минималлаштиришда қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Жумладан, календарь йили давомида қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини минималлаштириш, шунингдек, мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчаларни қабул қилиш, чоп эттириш ва тарқатиш жараёни ўртасидаги вақт оралиғини таъминлаш лозим. Чунки, бугунги кунда корхоналар қисқа муддатда амалга оширилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятига татбиқ этиши, режалаштирилиб шакллантирилган тадбиркорлик фаолиятини бу ўзгартириш ва қўшимчаларга мослаштириш вақт ва маблағни талаб этмоқда.

Солиқларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошиб бориши билан давлат бюджети даромад базасини қай тарзда ва даражада шаклланишига боғлиқдир. Солиқ бозор конъюктурасини бошқаришга ўзига хос восита ҳисобланади. Солиқ воситалари орқали иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва керак бўлса уларни инқироз ҳолатига тушиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Шу боис молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий – иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ муносабатлари муҳим рол ўйнайди. Солиқ сиёсатини оқилона юритиш нафақат макра

иқтисодий барқарорликни таъминлашга, балким мукаммал бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиш мумкин бўлади. Аммо, солиқ сиёсатини турли соҳа фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган, уларни баҳолашнинг ягона тизимлаштирилган метадолигияси ва асосларини ислоҳ қилувчи мукаммал тизими мавжуд эмас.



9-расм. Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида давлат бюджетига таъсири²⁰

Амалдаги солиқ сиёсати, уни амалийлик даражаси ва унга таъсир этувчи мезонлар бу борада зарур ютуқларни ёритиб бера олмайди.

Бизнинг фикримизча бундай мезонларни ишлаб чиқишда қуйидаги омилларга алоҳида этибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз, яъни:

- ✓ мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий тараққиёт даражасига;

²⁰Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- ✓ турли даражадаги бюджети даромадлари ва харажатлари таркибига;
- ✓ мамалакат ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқлар ва бошқа тўловларнинг динамик ҳолатига ва ўзгаришига;
- ✓ аҳоли пул даромадларини тўлов қобилиятига ва турмуш даражасига;
- ✓ солиқларнинг аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланишга ва солиқ юкига;
- ✓ иқтисодий вазиятлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган вазифалар кўламига;
- ✓ молия сиёсатининг йўналишларига.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқлардан бюджет харажатларини молия лаштириш масаласига алоҳида этибор қаратиш ҳам ҳуқим амалий аҳамият касб этади, чунки ривожланаётган иқтисодиётни модернизациялаш давлатнинг иқтисодиётга фаол молиявий аралашувини зарур қилиб қўяди.

Бунда солиққа тортиш тамойилларини бузилишига йўл қўймаслик солиқ тушумларининг барқарорлигига ҳал қилувчи тасир кўрсатади. Иқтисодиётнинг инвестицион ресурсларига бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида солиқларнинг жамғармаларга нисбатан таъсирини кучайтириш, тўловчиларга солиқ имтиёзларини жорий этишда бюджет даромадларига ундириладиган тушумларни динамик пасайишига йўл қўймасликни таъминлаш ҳам муҳимдир. Бунга эришиш учун солиқ сиёсатини такокиллаштиришда қуйидаги омилларга алоҳида этибор бериш зарур, яни:

- ✓ Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришда солиқлардан самарали восита сифатида фойдаланиш. Яъни, ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорликни қўллаб – қувватлашда солиқ сиёсати энг муҳим омил сифатида этироф этилишини таъминлаш.

- ✓ Солиқ юкининг оғирлашиши ҳўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари томонидан янада юқори фойда олиш истаги

солиқтўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг юзага келишига омил бўлиб хисобланадиган сабабларни олдини олишни кескинлаштириш.

✓ Хўжалик юрутувчи субъектлардан ундириладиган барча солиқларнинг уларнинг соф фойдаси миқдорининг камайиши, уларнинг инвестицион харажатларининг молиялаштириш имконини пасайтиришга сабаб бўлмоқда, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базаси нафақат ишлаб чиқариш хўжалик харажатлари суммасига балки олдиндан тўланган солиқлар суммасига ҳам камайишига олиб келмоқда. Солиққа тортишнинг бундай тартиби олдиндан тўланган солиқларнинг бири бўйича солиқ ставкасининг оширилиш фойда солиғи базасининг камайишига ва бунинг оқибатига корхонанинг соф фойдаси миқдорининг пасайишига сабаб бўлмоқда, шу боис бундай омилларни бартараф этиш солиқ муҳимдир.

✓ Юридик шахслар мол—мулк солиғининг рағбатлантирувчиликнинг хусусиятини ошириш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш лозим.

✓ Солиқ имтиёзларининг мукамал тақдим этилмаслиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолларининг юз беришини ёки мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларининг ниҳоятда чегараланганлигини бартараф этишни таъминлаш муҳимдир.

✓ Иложи борида солиқ тортиш соҳасида киритилаётган ўзгаришларни камайитириш ва солиқ тизимининг барқарорлигига эришиш.

✓ Давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги тўғри солиқларнинг салмоғини ошириш мақсадида, давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги тўғри солиқларнинг салмоғининг пасайиш тенденциясига барҳам бериш учун амалдаги солиқ имтиёзларини ва тўловсизлик, яни бюджетдан қарздорлик муаммосини қайта кўриб чиқишга эришишни таъминлаш.

✓ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларнинг ўсишни ва ҳукумат йирик инвестицион харажатларнинг

мавжудлигини ҳисобга олиш давлат бюджети даромадларининг таркибига қўшилган қиймат солиғи ва аксиз солиғи бўйича тушумларни суммасининг барқарор салмоғини таъминлашга эришиш.

Бюджет даромадларига тўловларни тўлиқ ундиришни таъминлаш мақсадида куйидаги омилларни этиборга олиш муҳимдир, яъни:

- ✓ Юридик шахсларнинг фаолияти ўсишидан ички назоратини кучайтириш орқали солиқ интизомига риоя этишга;
- ✓ Солиқ назоратини оқилона ўтказишини ва ҳартомонлама маслаҳат берувчи ҳуқуқини оширишга;
- ✓ Умум давлат солиқларнинг асосий тўловчиси ҳисобланган корхоналар фаолиятини жойларда текширишнинг соддалаштириш ва хоказолар. Булар орқали солиқ сиёсатини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Ундан ташқари давлат бюджети солиқ даромадларининг истиқболини белгилашда солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар ҳисобининг тўлиқ юритилиши муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб манзилли йўналишга эга бўлмаган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритилиши устидан назоратнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли туманлиги, яъни аксарият солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олмасликларининг сабаби, уларнинг оғир молиявий ҳолатидан келиб чиқади. Тўланмаган солиқлар муаммолсини ечиш учун шунингдек ҳукуат қарзларини қайтариш, хусусий ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш ва янгилаш мақсадида инвестиция дастурлари, оқилона нархлаштириш сиёсати, солиқ тўловчилар мажбуриятини қайта кўриб чиқиш каби тадбирлар ва дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбирлар ва дастурларни амалга оширишдан кўзланган мақсад солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имкониятларини ошириш орқали давлат бюджетига тушувчи солиқли даромадларнинг сезиларли ўсишини таъминлашдан иборат.

Иқтисодиётни модернизациялар шароитида ҳукумат томонидан олиб

борилаётган “солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш”нинг устивор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда микрофирма ва кичик кархоналар учун соддалаштирилган тартибда қўлланиладиган ягона солиқ тўлови ставкасини амалдаги 7,5 % дан 6 % га камайтириш мақсадга мувофиқ.

Чунки солиқ ставкасининг пасайтирилиши ушбу солиқ тўлови бўйича солиқ тушумларини камайтирмайди. Аксинча, ягона солиқ тўлови ҳисобланадиган объектларининг кўпайиши натижасида солиқ базаси кенгайиши ҳисобига солиқ тушумлари кўпайишини келтириб чиқаради. Бу ушбу тоифада солиқ тўловчи субъектлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириб, солиқ юкини камайтиради ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришга ундайди.

Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилишда яна бир жихат борки мамлакатимиз учун у тармоқнинг аҳамияти юқори. Бу тармоққишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар бугунги кунда ягона солиқ яъни ягона ер солиғи тўлайдилар. Лекин айтиш лозимки, солиққа тортишнинг амалдаги услубида бу масала етарлича ўз ифодасини томпаган. Чунки, ягона ер солиғига тортишдаги табаҳалаштириш жараёни ерларнинг бонитет балидаги 1-класс (10 балл) орқалигина амалга оширилмоқда, холос. Вақолангки, шу тор доирадаги табаҳалаштиришнинг ўзи ҳам номувофиқ, яъни у 10 баллик сакраш асосида (масалан, 2.2. да таъкидланганидек, амалдаги услубга кўра, 61 балли ер 70 балли ер билан бир хил ставкада солиққа тортилаётган бўлса, у 60 балли ерга нисбатан эса, бошқа ставкада бўлмоқда) ўрнатилган бўлиб, солиққа тортишдаги мукамаллик ва адолатлилик тамойилларини таъминлай олмайди.

Мазкур услубдан фойдаланиш давомийлигида унинг миқдорий кўрсаткичи ҳажмини белгиловчи ягона омил бу - асосида ернинг сифатий ҳолати бўлган бонитет бали бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат ҳам ўз навбатида солиқ солишнинг адолатлилик тамойилини таъминламайди ва хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ тўлаши пировардида вужудга келиши лозим бўлган иқтисодий манфаатини рағбатлантирмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган бу камчилик яна бир қанча нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Булардан асосийси эса, сифатий омил ҳисобга олингани ҳолда, хўжаликнинг молиявий ҳолати натижалари ҳисобга олинмаётганидир. Яъни мазкур услуб ибтидоий тавсиф касб этгани ҳолда номақбул кўрсаткичлардан келиб чиқиб, унда назарий асосдаги ер рентасидан мувофиқ равишда фойдаланилмаяпти.

Бизнинг талқинимиздаги яна бир муаммо шундан иборатки, ушбу ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг (тузатиш коэффиценти, базавий ставка) қайси иқтисодий қонуниятлар орқали вужудга келтирилганлиги, оддий қилиб айтадиган бўлсак, келиб чиқиш асослари солиқ тўловчилар учун аниқ эмас ва тушунарсиз.

Амалда қўлланилаётган Ер кодекси ва ундан бошқа йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари учун ер ижараси ҳақи уларга ҳисобланган ягона ер солиғининг бир баробари миқдорида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу ерда эса, бизнингча, иккала иқтисодий категориянинг иқтисодий моҳияти ажратилмаган ва миқдорий фарқлар назарда тутилмаганлиги ҳисобидан тушинмовчиликлар вужудга келмоқда.

Бизнингча, юқорида санаб ўтилган муаммоларни олдини олишнинг асосий йўлларида бири бу - ердан фойдаланиш ва ер солиғига тортишнинг илмий асосларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, улардан оптимал амалий унсурлар дастаги сифатида фойдаланишдир. Вақолангки, ҳозирги босқичда молиявий ҳолати барқарор бўлган хўжаликлар камроқ солиқ тўлаши, молиявий ҳолати ёмон бўлган хўжаликлар эса, кўпроқ солиқ тўлаши назарда тутилган солиққа тортиш услубининг бу каби рағбатлантирувчи механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай ҳолат, ҳам хўжалик юритиш жараёнларини, ҳам ердан фойдаланиш тизимини издан чиқаради.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши билан ягона ер солиғи ҳам такомиллашиб боради. Ягона ер солиғининг тўлароқ ишлаши учун,

аввало хўжалик юритиш шаклларида қатъий назар, ўз молиявий имкониятларини кенг миқёсда ишлата олиши ҳамда ернинг товар сифатида намоён бўлиши, бунда солиқ биргина давлат хазинасини маблағ билан тўлдириш эмас, балки товар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи вазифасини ҳам бажариши керак. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жал қилиш имкониятини яратади.

Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерларнинг меъёрий баҳоси ўрнатилган бўлиб, ушбу кўрсаткичдан иқтисодий ҳисоб-китобларда фойдаланилмаяпти ва амалиётга тадбиқ этилиши сезилмаяпти.

Мазкур кўрсаткични ҳисоблашда ерларнинг фақатгина сифатий баҳо си эмас, балки солиққа тортиш жараёнида эътиборга олиниши шарт бўлган бошқа кўпгина омиллар ҳам назарда тутилган. Демак, ернинг меъёрий баҳо сини ҳисоблашда кўп омилли услубдан фойдаланилган ва ер солиғига тортишнинг бугунги ва келажакдаги ягона ва интеграл кўрсаткичи бўлиб қолиши керак. Шундагина, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни самарали солиққа тортиш таъминланади ва бунинг натижасида у орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга эришиш мумкин бўлади.

III боб бўйича хулосалар

Америка қўшма штатлари солиқ тизими таҳлил этилганида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими 2 погонали: Умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йигимлар.

АҚШ солиқ тизими уч погонали, яъни: Федерал солиқлари, штат солиқлари, шаҳар солиқлари.

Республикамиз умумдавлат солиқларига асосан доимий тушумга эга бўлган ва бюджетга муҳим урин тутадиган солиқлар йуналтирилади.

АҚШ федерал бюджет солиқларида эса асосан тугри солиқлар хиссаси кўпроқ туғри келади.

Германия Ўзбекистонда солиқлар республика ва маҳаллий солиқларга бўлинса, Германияда федерал ерлар (худуд) ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Германияда қўшма солиқлар, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча бюджетга тўшадиган солиқлар мавжуд. Ўзбекистонда эса йўқ, ҳар бир солиқ тури тўлигича битта бюджетга тўшади

Германияда Ўзбекистонда бўлмаган, ўзига хос хусусиятга эга бўлган солиқлар: черков солиғи, ит солиғи ва бошқалар мавжуддир. Шу билан бирга Ўзбекистонда мавжуд мол-мулк солиғи Германияда йўқ.

Япония Ўзбекистон солиқ тизимида ҳозирги кунда 7 та умумдавлат солиқлари ва 8 та маҳаллий солиқ турлари мавжуд. Японияда эса 25 та давлат солиқлари ва 30 та маҳаллий солиқлар мавжуд. Икала давлатда ҳам умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Японияда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси прогрессив характерга эга бўлиб, солиқ ставкаси 5 хилдир: 10%, 20%, 30%, 40% ва 50% солиқ ставкалари.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги. МДХ давлатларида асосий фарқли жихати бу солиқ ставкаларининг турли туманлигидир.

Ундан ташқари божхона божлари ва тўловлари ҳам ўзаро тафовутли. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги айниқса Марказий Осиёда сезиларли. Яъни

маҳсулотларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга ўтишида нархларда юқори тафавут бор. Бу эса “қора бозор”нинг ривожланишига замин бўлади.

Иқтисодийни модернизациялар шароитида ҳукумат томонидан олиб борилаётган “солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш”нинг устивор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда микрофирма ва кичик кархоналар учун соддалаштирилган тартибда қўлланиладиган ягона солиқ тўлови ставкасини амалдаги 7,5 % дан 6 % га камайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилган бу камчилик яна бир қанча нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Булардан асосийси эса, сифатий омил ҳисобга олингани ҳолда, хўжаликнинг молиявий ҳолати натижалари ҳисобга олинмаётганидир. Яъни мазкур услуб ибтидоий тавсиф касб этгани ҳолда номақбул кўрсаткичлардан келиб чиқиб, унда назарий асосдаги ер рентасидан мувофиқ равишда фойдаланилмаяпти.

Бизнинг талқинимиздаги яна бир муаммо шундан иборатки, ушбу ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг (тузатиш коэффиценти, базавий ставка) қайси иқтисодий қонуниятлар орқали вужудга келтирилганлиги, оддий қилиб айтадиган бўлсак, келиб чиқиш асослари солиқ тўловчилар учун аниқ эмас ва тушунарсиз.

Амалда қўлланилаётган Ер кодекси ва ундан бошқа йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари учун ер ижараси ҳақи уларга ҳисобланган ягона ер солиғининг бир баробари миқдорида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу ерда эса, бизнингча, иккала иқтисодий категориянинг иқтисодий моҳияти ажратилмаган ва миқдорий фарқлар назарда тутилмаганлиги ҳисобидан тушинмовчиликлар вужудга келмоқда.

Хулоса ва таклифлар

1. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди. Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари. Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

2. Солиқ сиёсатининг самараси куп жиҳатдан уни ҳуқуқий базасининг мустаҳкамлиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам солиқ сиёсатида солиққонунчилиги орқали шакл берилади. Мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишда ҳуқуқий асоси замон талаблари даражасида шакиллантирилган бўлиб эндиги вазифа уларни ставкасини такомиллаштириш ҳисобланади.

3. Маълумки бевосита солиқлар тўғридан тўғри даромад, фойдадан олинади ва солиқ тўловчи асосан даромад, фойда олувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. 2012 йилда жами давлат бюджети даромадлари 21295,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 26232,0 млрд. сўм ва 2014 йилга келиб 31729,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки ўрганилган йиллар орлиғида 49 % ўсиш суръатига эга. Йиллар кесимда инфляциянинг (йиллик ўртача 7 %) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашадиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан 2014 йилда ўрнача 35 % га ошганлигини кўриш мумкин бўлади. Юридик шахслар даромадига солиқ 2012 йилда 1001,1 млрд.сўмни ва 2014 йилда 1120,2 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 11,9 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида ўзгаришсиз

қолганини кўриш мумкин.

4. Бевосита солиқлардан фарқли равишда, билвосита солиқлар бевосита тўловчининг даромади ёки мол мулки билан боғланмайди, балки уларга шахсий истеъмол таварлари, шунингдек аҳолига кўрсатилган турли хизматлар бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи 2012 йилда 5966,6 млрд.сўмни ва 2014 йилда 9475,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 58,8 % га ўсган. Инфляциянинг мавжуд бўлиш шароитида таҳлил этсак йиллар оралиғида 45 % ўсганини кўриш мумкин. Билвосита солиқлар орасида аксиз солиғи 2012-2014 йиллар оралиғида ўртача 55 % ўсиш суръатига эга бўлиб, 2012 йилда 3175,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда 4941,1 млрд. сўмни ташкил этган.

5. Хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик тадбиркорлик субъектлари белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ бўлган солиқ маъмурчилиги харажатлари бугунги кунга қадар юқориликча қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда фаолият юритувчи корхоналар фаолиятида солиқ маъмурчилиги харажатларининг ошиши регрессив характерга эга бўлиб, корхоналар тушумининг ўсишига тескари пропорционалдир. Жумладан, кичик корхоналарнинг йиллик тушуми ҳажмининг ўзгариши билан солиқ маъмурчилиги харажатлари ҳам мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда солиқ маъмурчилиги харажатларини камайтириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Бизнингча, бугунги кунда корхоналарнинг солиқ маъмурчилиги харажатларини минималлаштиришда қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Жумладан, календарь йили давомида қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини минималлаштириш, шунингдек, мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчаларни қабул қилиш, чоп эттириш ва тарқатиш жараёни ўртасидаги вақт оралиғини таъминлаш лозим. Чунки, бугунги кунда корхоналар қисқа муддатда амалга

оширилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятига татбиқ этиши, режалаштирилиб шакллантирилган тадбиркорлик фаолиятини бу ўзгартириш ва қўшимчаларга мослаштириш вақт ва маблағни талаб этмоқда.

7. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришда солиқлардан самарали восита сифатида фойдаланиш. Яъни, ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда солиқ сиёсати энг муҳим омил сифатида этироф этилишини таъминлаш.

Солиқ юкининг оғирлашиши хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тоифалари томонидан янада юқори фойда олиш истаги солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг юзага келишига омил бўлиб ҳисобланадиган сабабларни олдини олишни кескинлаштириш.

Хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган барча солиқларнинг уларнинг соф фойдаси миқдорининг камайиши, уларнинг инвестицион харажатларининг молиялаштириш имконини пасайтиришга сабаб бўлмоқда, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базаси нафақат ишлаб чиқариш хўжалик харажатлари суммасига балки олдиндан тўланган солиқлар суммасига ҳам камайишига олиб келмоқда. Солиққа тортишнинг бундай тартиби олдиндан тўланган солиқларнинг бири бўйича солиқ ставкасининг оширилиш фойда солиғи базасининг камайишига ва бунинг оқибатида корхонанинг соф фойдаси миқдорининг пасайишига сабаб бўлмоқда, шу боис бундай омилларни бартараф этиш муҳимдир.

8. Юридик шахслар мол-мулк солиғининг рағбатлантирувчиликнинг хусусиятини ошириш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш лозим.

9. Солиқ имтиёзларининг мукаммал тақдим этилмаслиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолларининг юз беришини ёки мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларининг ниҳоятда чегараланганлигини бартараф этишни таъминлаш муҳимдир.

10. Иложи борича солиқ тортиш соҳасида киритилаётган ўзгаришларни камайтириш ва солиқ тизимининг барқарорлигига эришиш мақсадга мувофиқ.

11. Давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги тўғри солиқларнинг салмоғини ошириш мақсадида, давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги тўғри солиқларнинг салмоғининг пасайиш тенденциясига барҳам бериш учун амалдаги солиқ имтиёзларини ва тўловсизлик, яъни бюджетдан қарздорлик муаммосини қайта кўриб чиқишга эришишни таъминлашлозим.

12. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларнинг ўсиши ва ҳукумат йирик инвестицион харажатларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш давлат бюджети даромадларининг таркибига қўшилган қиймат солиғи ва аксиз солиғи бўйича тушумларни суммасининг барқарор салмоғини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

13. Бюджет даромадларига тўловларни тўлиқ ундиришни таъминлаш мақсадида қуйидаги омилларни этиборга олиш муҳимдир, яъни:

✓ Юридик шахсларнинг фаолияти ўсишидан ички назоратини кучайтириш орқали солиқ интизомига риоя этишга;

✓ Солиқ назоратини оқилона ўтказишини ва ҳартомонлама маслаҳат берувчи ҳуқуқини оширишга;

✓ Умум давлат солиқларнинг асосий тўловчиси ҳисобланган корхоналар фаолиятини жойларда текширишнинг соддалаштириш ва ҳоказолар. Булар орқали солиқ сиёсатини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади.

Ундан ташқари давлат бюджети солиқ даромадларининг истиқболини белгилашда солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар ҳисобининг тўлиқ юритилиши муҳум аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб манзилли йўналишга эга бўлмаган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритилиши устидан назоратнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

14. Иқтисодиётни модернизациялар шароитида ҳукумат томонидан олиб борилаётган “солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш”нинг устивор

йўналишларидан келиб чиққан ҳолда микрофирма ва кичик кархоналар учун соддалаштирилган тартибда қўлланиладиган ягона солиқ тўлови ставкасини амалдаги 7,5 % дан 6 % га камайтириш мақсадга мувофиқ.

15. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчилар учун ягона ер солиғи жорий этилган бўлсада, фикримизча уни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Сабаби, ягона ер солиғи ернинг иқтисодий қийматидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади ва ернинг иқтисодий қиймати ернинг сифат даражасидан келиб чиқади. Мамлакатимиз шароитида ернинг сифатини аниқлаш тизими ҳар 5 йилда амалга оширилишини ҳисобга олганда солиқ тўловчи ернинг сифатини оширишдан манфаатдор эмас. Яна бир жиҳати шундаки, ернинг сифати қанчалик ортиб боргани сари солиқ суммаси мос равишда ортади бу эса ердан фойдаланувчининг қўлини совутади.

16. Марказий Осиё мамлакатларида “қора бозор”ни баратараф этиш мақсадида солиқ ва божхона тизимида ҳамкорликларни мустаҳкамлаш зарур. Сабаби қўшни мамлакатлардасолиқ божхона божларининг турли туманлиги маҳсулотлар нархида тафовутларни келтириб чиқармоқда ва “қонунларни айланиб ўтиш” ҳолатлари кузатилмоқда.

17. Японияда кўп фарзандли оилаларга алоҳида солиқ имтиёзлари берилади, бунинг ижтимоий мақсади (миллатни кўпайтириш) бўлсада, мамлакатимизда ушбу солиқ амалиётини жорий этиш психологик жиҳатдар рағбатлантириш вазифасини бажаради.

18. АҚШ да давлат бюджетининг солмоқли қисмини қимматли қоғозлар бозоридан кўрилган даромад солиғи ташкил этади. Фикримизча мамлакатимизда ушбу тизимни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат бюджетининг ортишини ва солиқ юкининг камайтирилишини рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.— Тошкент: Ўзбекистон, 2012 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. — Т.: Адолат, (ўзгартириш ва қўшимчалари билан) 2015 й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2001 й. № 2.
- 1.5. “Хусусий кархона тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2003 йил 11 декабр
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ–1446-сон қарорига мувофиқ “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги Дастури
- 1.7. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар кириш тўғрисида”ги ЎРҚ-379 сонли Қонуни

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва Фармонлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги №ПФ-10145 сонли Фармони.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги №ПҚ-1754 сонли Қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига

Ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги ПФ-4677 сонли Фармони

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабргаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270 сонли Қарори

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон Қарори

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси 2014 йил инвестицион дастури тўғрисида”ги 2013 йил 18 ноябрдаги ПҚ-2069-сон Қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 августдаги “2012-2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №234 сонли Қарори;

2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №379 сонли Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили Давлат Дастури тўғрисида”ги 2014 йил 19 февральдаги ПҚ-2133-сон Қарори.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги №ПФ-4436 сонли Фармони.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПФ-4453 сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва нутқлари

- 3.1.** Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–682 б.
- 3.2.** Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
- 3.3.** Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон». 2010. 43-б.
- 3.4.** Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир /Халқ сўзи, 2012 йил 9 декабр.
- 3.5.** Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2012. 20-б.
- 3.6.** Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
- 3.7.** Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.

IV. Илмий дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар, журнал ва жорий даврий материаллар

- 4.1.** Абдуллаев Ё.А., Срожиддинова З.Х., Успбаев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. –Ташкент: Мехнат –2001. –85 с.
- 4.2.** Абдурахмонов О. Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари. Ўқув қўлланмаси. –Т.: ТДИУ нашр., 2003.

- 4.3. Ваҳобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. – Ташкент: Молия. 2002. –239 с.
- 4.4. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. –Тошкент: Молия, 2001. –174 б.
- 4.5. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996.
- 4.6. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “ТМИ”, 2004. – 166 б.
- 4.7. Жўраев А. ва бошқалар Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: “NORMA”, 2009. 184 б.
- 4.8. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
- 4.9. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. –С.: Самарқанд кооператив институти, 2002. – 366 б.
- 4.10. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.
- 4.11. Маликов Т.С. Жалилов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. –Т.: Akademnashr, 2011. – 472 б.
- 4.12. Маманазаров А.Б. Солиқ сиёсати. –Т.: “Молия”, 2003. 148 б.
- 4.13. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
- 4.14. Абдурахмонов О. Солиқ сиёсати: Дунё тажрибаси ва Ўзбекистон итиқболи //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№5.

V. Диссертация ва диссертация авторефератлари.

- 5.1. Ж.Ж.Урмонов “Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати
- 5.2. А.Ж.Мусагалиев “Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати

5.3. А.А.Шернаев “Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истикболини белгилаш масалалари” и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати

VI. Статистик тўпламлар

- 6.1.** Ўзбекистон рақамларда статистик тўплами Тошкент – 2014 й.
- 6.2.** Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
- 6.3.** Промышленность Узбекистана 2014. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014.
- 6.4.** Сельское хозяйство Узбекистана 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013.
- 6.5.** Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане 2013. Статистический сборник. –Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013. – 148 с.
- 6.6.** Финансы Узбекистана 2014. Статистический сборник. –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2014. С. 132.

VII.Интернет сайтлари

- 7.1.** <http://www.mf.uz>
- 7.2.** <http://www.stat.uz>
- 7.3.** www.wordbank.org
- 7.4.** http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2347400
- 7.5.** <http://www.soliq.uz>